

**ЎЗБЕКИСТОН:
ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
ЮКСАК НАМУНАСИ**

**УЗБЕКИСТАН:
ПРОЯВЛЕНИЕ ВЫСОКОГО
ДУХА ГУМАНИЗМА**

ТОШКЕНТ
«TURON IQBOL»
2010

ББК 66.4(0)

Ў24

**Тўплам Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
томонидан нашрга тайёрланган**

2010 йил 11—15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар бутун халқимизда катта ташвиш ва безовталиқ уйғотди.

Тўпламдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистонда юз берган ана шу воқеаларга оид расмий мулоқотлари, бу борада Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ меҳнаткашлари билан суҳбат пайтида билдирган фикр-мулоҳазалари, расмий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро ва хорижий таҳлилчилар, жаҳон жамоатчилиги ва юртимиз аҳли вакилларининг мазкур хунрезликларга муносабатлари ўрин олган.

**Сборник подготовлен Творческим союзом
журналистов Узбекистана**

Кровавые трагические события, произошедшие 11—15 июня 2010 года в Джалалабадской и Ошской областях Кыргызской Республики, вызвали огромную тревогу и обеспокоенность всего нашего народа.

В сборник вошли официальные письма и тексты переговоров Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, его заявление о событиях на юге Кыргызстана, сделанное в ходе беседы с сельскими тружениками Вабкентского района Бухарской области, официальные документы, а также отклики международных, зарубежных и отечественных аналитиков, представителей мировой общественности и наших соотечественников на эти трагические события.

ISBN 978-9943-14-134-6

© «TURON IQBOL», 2010

МАРДЛИК — ЧИДАБ БЎЛМАЙДИГАН ДАМЛАРДА ЧИДАШ, ЛЕКИН ҚИРҒИНГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон жамоатчилиги ва халқи сўнгги кунларда Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳрида рўй берётган воқеалар юзасидан қаттиқ хавотир ва ташвишда эканини билдиради.

Ўш шаҳри кўчалари ва уйларида босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига нисбатан содир этилаётган ва жазосиз қолаётган қотиллик, зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ва талон-тарож ҳолатлари бутун жаҳон жамоатчилигининг газабини кўзгамоқда.

Айниқса, оммавий тус олган қотиллик, талон-тарож ва уйларга ўт қўйиш ҳолатлари Ўш шаҳри ва Ўш вилоятида яшаётган ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан содир этилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди ва бу ғоят жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Уюштирилаётган, бошқарилаётган ва ифвогарлик характериға эға бундай хатти-ҳаракатлар миллатлар ўртасида низо кўзғатиш, Қирғизистон жанубида яшаётган кам сонли миллатлар вакиллари учун чидаб бўлмайдиган шароитни вужудға келтириш ниятида узоқни кўзлаб содир этилмоқда, деб хулоса чиқариш учун барча асослар бор.

Буларнинг барчаси нияти қирғиз халқи манфаатларидан мутлақо йироқ бўлган қабих кучлар фитнаси билан содир этилаётганиға бизда ҳеч қандай шакшубҳа йўқ.

Бугунги кунда Ўш шаҳрида рўй бераётган бундай воқеалар Қирғизистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги кўп асрлик, анъанавий, тарих синовларидан ўтган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига мутлақо мос келмайди.

Кўп синовлар ва воқеаларни бошидан кечирган Қирғизистон халқи ва унинг соғлом кучларининг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, кўп миллатли Қирғизистон халқининг тинч ва фаровон келажагини таъминлаш мақсадида авж олган жиноятчилик ҳамда хунрезликларга чек қўйиш учун ақл-идроки ва ҳаёт тажрибаси етарли эканига ишонч билдирамыз.

2010 йил 14 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов билан БМТ
Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон
орқали мулоқоти тўғрисида
АХБОРОТ

Шу йилнинг 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари кейинги кунларда Қирғизистон Республикаси жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида уюшган босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига, биринчи навбатда, ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан жазосиз қолаётган қотилликлар, зўравонликлар, қирғин ва ўт қўйишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар, рақамлар ва далилларни батафсил баён этди.

Юзлаб қурбон бўлганлар, шунингдек, жабр кўрганлар, жароҳатланганлар орасида минглаб ўзбек миллатига мансуб фуқаролар бор.

Тинч аҳоли ва Қирғизистон муваққат ҳукумати раҳбари Р. Отунбоевнинг мурожаатидан сўнг қочқинларни қабул қилиш учун Ўзбекистон чегараси очилди. Бугунги кунда асосан аёллар, болалар ва кексалардан иборат қочқинларнинг сони 70—80 мингдан ошади. Бу, ўз навбатида, уларга ёрдам, биринчи навбатда, тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармон етказиб бериш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Қочқинлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди ва яратилмоқда: беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёллар шифохоналарга жойлаштирилди, ҳамма эҳтиёжмандларга профилактик тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, маиший шароитлар яратилмоқда, уч маҳал

овқат билан таъминланмоқда. Вазият аввало қочқинлар оқимининг кўплиги, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жабр кўрган одамлар оғир аҳволда қолганини инобатга олиб, ҳозирча фақат БМТ тузилмалари ва айрим давлатлар томонидан таклиф этилаётган ёрдамни тезлаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Ёрдам тариқасида келаётган юкларнинг ҳаракати йўлидаги оралиқ бўғинларни камайтириш ва уларни даҳшатли қирғиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган ерларга бевосита етказиб бериш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Ушбу жараён юзасидан ғоят қатъий назорат ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

БМТ Бош котиби, ўз навбатида, Қирғизистон жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар, БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларига жабрдийдалар жойлашган лагерларга очик ва эркин кириб-чиқиш учун яратилган имконият учун миннатдорлик билдирди, шунингдек, фалокат зоналарида вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

БМТ Бош котиби ёрдам кўрсатиш борасидаги барча ишларни шахсан ўзи мувофиқлаштириб бораётганини ҳамда Қирғизистон жанубидаги аҳолини қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини ошириш ва жабр кўрган аҳолига бевосита ёрдам кўрсатиш бўйича барча зарур чораларни кўраётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди жаноб Пан Ги Мун, Қирғизистон жануби ва бутун мамлакатдаги вазиятни бевосита назоратга олган ва вазиятни барқарорлаштириш бўйича тезкор чоралар кўради.

2010 йил 17 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов билан
АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг
телефон орқали мулоқоти тўғрисида
АХБОРОТ

Шу йилнинг 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида кейинги вақтларда Қирғизистон жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган фожиали воқеалар муҳокама қилинди.

АҚШ Давлат котиби Қирғизистон жанубида ва биринчи навбатда, Ўзбекистон ҳудудидаги қочқинлар лагерларидаги, Қирғизистон билан чегарадош туманлардаги вазият билан таништирилди.

Қирғизистон жанубидан ўтган қочқинларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш, барча эҳтиёжмандларга тиббий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, озиқ-овқат билан таъминлаш, шунингдек, қочқинлар лагерлари учун зарур ёрдамни ташкил қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ва аввало, Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Қочқинларга бевосита ёрдам кўрсатиш ва фалокат содир этилган туманлар аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш, Қирғизистон жанубида ва бутун мамлакат ҳудудида вазиятни тезроқ барқарорлаштириш масалалари АҚШнинг диққат марказида тургани қайд этилди.

2010 йил 17 июнь

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида Қирғизистон Республикасидан вақтинча кўчиб келганлар яшаб туриши учун махсус жойлар тайёрланди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, фуқаролари томонидан жабрланганларга — 75—80 мингдан ортиқ кишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкида қуйидаги ҳисоб рақамлари очилди:

Хорижий валютадаги ҳисоб рақами: 20204840900 278031001 MFO: 00077. SWIFT Code: PAKHUZ22; MFO 00394 JSCB «Agrobank» Andijan.

Address: 47, Pushkin str., Andijan city, Republic of Uzbekistan.

Сўмдаги ҳисоб рақами: P/C 202040001002780 31008 — Андижон вилояти ҳокимлиги махсус ҳисоб рақами. Код: 00077, «Агробанк», Андижон.

Ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳридаги штабга қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин: +99871 239-86-84, +99871 239-86-25; Факс: +99871 239-80-37; e-mail: humanitar@gov.uz

Андижон шаҳридаги штабнинг телефонлари: (8-374) 226-99-78, 226-99-80.

БИЗ ҲАР ТОМОНЛАМА БАҒРИКЕНГ, КЎПНИ КЎРГАН, ҲАМДАРД ХАЛҚМИЗ

**(Президент Ислом Каримовнинг
Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ
меҳнаткашлари билан мулоқот пайтида
билдирган фикрлари)**

Бизга қўшни давлат — Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар ҳақида сизлар албатта хабардорсиз. Шунинг учун бу ҳақда кўп гапириш ортиқча деб ўйлайман.

Бундай қонли фожиа ҳақида эшитиш, кузатишнинг ўзи бир азоб. Қон тўкиш, бегуноҳ одамларни, мурғак гўдакларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш, ярадор қилиш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Ўзини инсон деб ҳисоблайдиган, инсоннинг ҳайвондан фарқини тушунадиган одам бундай қабих ишларга ҳеч қачон, ҳеч қаерда қўл урмайди.

Мен яқин кунларда бу қонли жиноятларнинг тагига етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман. Бу хунрезликни амалга оширганлар — булар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими — барча жиноятчиларга жазо муқаррар.

Бизнинг халқимизни қийнайдиган савол шуки, нима учун, қандай қилиб чегараларимиз яқинида — Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида бундай ҳеч ақлга сифмайдиган қонли фожиа содир бўлди?

Бунинг сабаблари кўп ва бу ҳақда узоқ гапириш мумкин.

Энг ёмони, бундай фитнани, қон тўкишни давом эттиришни хоҳлайдиганлар ҳам атрофда «парвона» бўлиб юрганини, уларнинг сони кўплигини биз ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Шунинг учун бугунги кунда ким бизга дўст, ким бизга душман эканини ўзимизга аниқ тасаввур қилиб олишимиз лозим.

Мен илгари ҳам айтган эдим — биз ўз мақсадимизга эришишда фақат ўз кучимизга ишонишимиз зарур. Агарки, ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким четдан келиб бизга ёрдам бермайди. Қайси миллат, қайси давлатни бутун дунё тан олади? Ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажagini куриш, ўз юртини ҳимоя қилишга, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш, ўрнатқ бўлишга қодир бўлган бунёдкор ва салоҳиятли давлатни, халқ ва миллатни дунё аҳли тан олади, ҳурмат қилади.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Шунуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқининг илдизлари бақувват, тарихи буюк, келажаги мустақамдир. Бизнинг бошқа халқлардан фарқимиз шуки, бир томондан халқимиз жуда содда, бағрикенг — бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга тайёрмиз. Биз ҳар томонлама бағрикенг халқмиз, ҳамдард халқмиз, ҳамдардликка тайёр халқмиз.

Қирғизистондаги фожиа сабаблари ҳақида гапирганда, айнан ана шундай хусусият ва фазилатларимизга таяниб, бу воқеаларга оғир-вазминлик билан баҳо беришимиз керак. Агарда кимдир қонга — қон деб, қасос деб қадам қўядиган бўлса, шунга даъват қиладиган бўлса, мен бунга мутлақо қўшилмайман. Нафақат қўшилмайман, балки уларни халқимизнинг душмани деб билишга тайёрман. Нега деганда, бундай ҳаракат ва даъватлар яна қон тўкилишига, одамларимизнинг, болаларимизнинг, фарзандларимизнинг нобуд бўлишига олиб келади. Ҳар бир ишнинг охирини ўйлаш керак.

Мана, атрофга бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, биз қандай ажойиб бир шароитда яшаяпмиз. Мен дунёнинг жуда кўп жойларида бўлганман, лекин Ўзбекистондагидек гўзал табиатни ҳеч қаерда кўрмаганман.

Ўзингиз айтинг, мана шундай ажойиб шароитни, мана шундай ажойиб иқлимни, шундай бетакрор юртни нимага алмаштириш мумкин? Ва нима учун биз, кимларнингдир гапига кириб, ҳаракатига қўшилиб, мана шундай тинчлик ва омонликни хавф остига қўйишимиз керак?

Мен ўйлайманки, биз ўз фидокорона меҳнатимиз, бунёдкорлигимизнинг қадрига етишимиз керак. Билиб қўйинглар, битта жойда бир ўқ отилса, битта бомба ёки снаряд тушса, тинчлик бузилса, кейин уни тўхтатиш қийин бўлади.

Иккинчидан, мана шундай гўзал юртдаги осойишта ҳаёт бир лаҳзада издан чиқиб кетиши мумкин.

Шундай экан, бундай таҳликали пайтда нима керак? Етти марта ўлчаб, бир марта кесиш керак. Мен Президент сифатида бутун халқимизни шунга даъват этаман. Нега деганда, мамлакат ҳаётига дахлдор қарорни Президент қабул қилади. Лекин бундай ўта нозик ва мураккаб масалада мен халқимиз, жамоатчилигимиз фикрига суяниб, қарор қабул қилишим керак.

Айни пайтда менинг шахсий фикрим шуки, биз ҳеч қачон қасос олиш, кимнингдир чегарасини бузиш, кимнингдир уйини вайрон қилишга ёки ким биландир олишиб, уруш чиқаришга бормаслигимиз керак. Ва мен Президент эканман, бундай номаъқул сиёсатга йўл қўймайман.

Лекин, афсуски, Қирғизистон жанубида содир бўлган фожиали воқеалар муносабати билан нуфузли халқаро ташкилотлар, қудратли давлатлар томонидан

бу қирғинни тўхтатишга қаратилган қарор ҳали-бери чиққани йўқ.

Хориждаги айрим чиқишларда бу воқеаларнинг туб сабабини қидирмаслик керак, деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Бу масала бўйича ким айбдор, нима учун бу воқеа содир бўлди, деган савол камдан-кам берилмоқда. Уларнинг фикрича, бу фожиа ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршиликдан иборат эмиш.

Мен, бу икки миллат, икки этник гуруҳ ўртасидаги қандайдир қарама-қаршилик, деган фикрга мутлақо қаршиман. Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: бу фожиага қирғиз халқи ҳам, у ерда яшаётган ўзбек миллати ҳам сабабчи эмас. Бу — четдан туриб пухта уюштирилган ва бошқарилган акция, очиқ қилиб айтганда, кўпорувчилик ҳаракати. Бундай кўпорувчиликни уюштирган, ундан манфаатдор бўлган кучлар борлиги ҳам бизга маълум.

Буни уюштирган кучларнинг пинҳона ҳаракати четдан туриб икки халқни бир-бирига қарама-қарши қилиш, қон тўкишга олиб келиш, энг ёмони, бу тўқнашувга Ўзбекистонни ҳам кўшиб қўйишдан иборат бўлган. Асосий мақсад-муддао — қандай қилиб бўлса-да, Ўзбекистонда яшаётган ўзбекларнинг жаҳлини чиқариб, шу мудҳиш қирғинга тортишга қаратилган. Ўзбекларнинг қизиққонлигидан фойдаланиб, уларнинг ғурур ва ҳамиятига тегиб, кескинликни авж олдириш кўзда тутилган.

Шуни инобатга олиб, мен барча-барча инсонларни яна бир марта оғир-вазмин бўлишга чақираман. Қизиққонлик бу масалада ҳеч қачон, ҳеч қаерда фойда бермаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистон ҳеч қачон бундай можарога қўшилмайди, Қирғизистон халқи билан қонли урушга йўл қўймайди.

Биз буюк халқмиз. Бундай ўйинларга, қўпурвчилик ҳаракатларига жавобимиз битта — биз ўзимиз қирғизлар билан тил топамиз, бу можароларни ечишга ўзимизнинг қурбимиз, ақлимиз ва тажрибамиз этади.

Биз барчамиз «Бизларга тинчлик керак» деган иборага ўрганиб қолганмиз. Бунга кўпда эътибор ҳам бермаймиз.

Тўй-ҳашам ёки маърака-маросимларда бўладими, оила даврасида бўладими, кексаларимиз фотиҳага қўл очиб, аввало, тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, омонлик бўлсин, баракамизни, келажагимизни берсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб ният қилади.

Мен ҳам, фурсатдан фойдаланиб, халқимизни, бутун жамоатчилигимизни шунга чақираман.

Биз ҳар доим вазмин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга суяниб яшаганмиз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганмиз. Мен шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка даъват этиб, халқимизга фақат омонлик, тинчлик тилайман, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб Оллоҳдан сўрайман.

«Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ», деган гап бежиз айтилмаган. Қандай оғир бўлмасин, ҳаёт давом этади, инсон доим яхши кунларга умид қилиб, эртанги кунга ишониб яшайди.

Мен ишонаман — бу мусибатли кунлар орқада қолади, барчамизнинг орзу-ниятимиз бўлган тинчлик-осойишталик албатта қарор топади.

2010 йил 18 июнь

**Қирғизистон Республикаси ўтиш даври
Президенти Роза Отунбоева
Жаноби Олияларига**

Ҳурматли Роза Исоқовна!

Жорий йилнинг 27 июнь куни бўлиб ўтган референдум натижаларига мувофиқ Сизга Қирғизистон Республикасининг ўтиш даври Президенти ваколатлари берилгани муносабати билан табриклайман ҳамда дўст Қирғизистон халқига чин юракдан тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва фаровонлик тилайман.

Ишончим комилки, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган қонли ва ғайринсоний воқеалар юзасидан холис ва адолатли тергов, умид қиламанки, у мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида ўтказилади, кўп асрлардан буён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намоён этади.

Шу билан бирга, ушбу тергов ўзининг қабиҳ мақсадларига эришиш йўлида минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётини қурбон қилишдан ҳам тап тортмайдиган фитначи ва ташқи буюртмачиларнинг асл башарасини очиб беради.

Яна бир бор шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, Қирғизистон халқининг ақл-идроки бугунги кунда унинг бошига тушган бу синовларни енгиб ўтиш имконини беради.

Эҳтиром билан,

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 июль

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида вақтинча кўчиб келган фуқаролар мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида қабул қилиниб, 100 мингга яқин киши жойлаштирилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Бу мудҳиш воқеалардан жабр кўрганлар — аёллар, болалар ва кексаларга, ярадорлар, беморлар ва шикастланганларга ёрдам ва кўмак бериш мақсадида аҳолимиз, жамоатчилигимиз томонидан катта ғам-хўрлик кўрсатилгани ва кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда Андижон вилояти ҳокимлигида очилган махсус беғараз ёрдам ҳисоб рақамига юртимиздаги кўплаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан маблағлар келиб тушиши давом этмоқда.

Бугунги кунга қадар ушбу ҳисоб рақамига 3,9 миллиард сўмга яқин маблағ тушди. Бундан ташқари, республика ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан 7,8 миллиард сўмликдан зиёд озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва бошқа ҳаётий зарур буюмлар тўпланиб, ўз вақтида тегишли манзилларга етказиб берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир одам бу фожиани ўзига яқин қабул қилиб, жабрланганларга ҳамдард бўлиб, елкадош бўлиб, халқимизга мансуб бўлган олижаноблик ва бағрикенглик каби асрий фазилатларни яна бир бор амалда намоён этди.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган бундай

инсоний муносабат, меҳр-оқибат намунаси оғир пайтларда кўмакка муҳтож бўлган одамларга беминнат ёрдам беришдек миллий хусусиятларимизнинг ёрқин ифодаси сифатида эътиборлидир. Айниқса, ёшларимизнинг бу эзгу ишда фаол иштирок этгани ёш авлодимизнинг ана шундай азалий қадриятлар руҳида тарбия топаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ана шу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, идора ва муассасалар, давлат ва нодавлат тузилмалари, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, маданият ходимларига, барча олижаноб инсонларга самимий миннатдорлик билдиради.

(ЎЗА)

2010 йил 23 июнь

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

Шу йилнинг 11—15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида 100 мингга яқин Қирғизистон фуқароси мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида вақтинчалик қабул қилиниб, жойлаштирилган эди.

Уларга Ўзбекистон ҳукумати, корхоналари, муассасалари, жамоат ташкилотлари ва аҳолиси томонидан зарур ёрдам кўрсатилди. Чегарадош туманларда Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганлар учун лагерлар ташкил қилинди.

Аксарият қисми хотин-қизлар, болалар ва қариялардан иборат жабрланганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва бир қатор давлатлар инсонпарварлик ёрдамини жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганларга инсонпарварлик ёрдами тегишли манзилларга аниқ ва тезкорлик билан етказиб бериш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистоннинг вақтинча кўчиб келганлар жойлашган ҳудудларига хориждан жами қиймати 3926,6 минг АҚШ долларига тенг инсонпарварлик юки келди. Уларнинг ярмидан кўпи халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилди.

Жумладан, БМТ 1337,9 минг, Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти 636 минг, ЮНИСЕФ 67 минг, Халқаро шифокорлар лигаси 64,4 минг, Чегара билмас шифокорлар 41,8 минг долларлик ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар натижасида жабрланганларга Россия (1280,5 минг доллар), ХХР (438 минг доллар) ва Грузия (60,9 минг доллар) ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистонда қўшни давлатдан вақтинча кўчиб келганларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилди. Улар барча зарур нарсалар — палаткалар, қўрпа-тўшак, кийим-кечак, озиқ-овқат ва маиший буюмлар билан таъминланди. Вақтинчалик кўчиб келганлар жойлашган лагерларни ташкил қилиш учун кўплаб одамлар ва молия ресурслари жалб қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати жабрланганларга умумий қиймати 4034 412,9 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ташкилотлари ва корхоналаридан 3,1 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари тушди, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси катта ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон Республикасининг муваққат ҳукумати вакиллари, Ўш ва Жалолобод вилоятлари губерна-

торлари, туманлар раҳбарлари вақтинчалик кўчиб келганлар учун Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган лагерларни келиб кўрди. Улар Қирғизистон Республикаси фуқаролари билан учрашув чоғида вақтинчалик кўчиб келганларни ватанига қайтгач, хавфсизлиги тўлиқ таъминланишига ишонтирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳудудида вақтинча яшаб турган кўшни давлат фуқароларининг деярли барчаси айни пайтда Қирғизистонга қайтди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳукумати жабрланганлар учун мўлжалланган инсонпарварлик ёрдамининг қиймати 2445,7 минг долларга тенг қолган қисмини кўшни давлатга беришни таклиф этди.

Халқаро инсонпарварлик ёрдами йўналиши бўйича Ўзбекистонга жами 35 тонна дори-дармон келди ва улар беморлар ҳамда жароҳатланганлар эҳтиёжи учун тўлиқ ишлатилди. Мамлакатимизга келган 168,6 тонна озиқ-овқат маҳсулотларининг 91,8 тоннаси Қирғизистондан вақтинчалик кўчиб келганлар ўртасида тақсимланди, қолган 76,8 тоннаси Қирғизистонга жўнатилмоқда.

Донорлар томонидан юборилган ноозиқ-овқат товарлар (палаткалар, кўрпа-тўшаклар, идиш-товоқ, канистрлар, генераторлар, кийим-кечаклар) 621,4 тоннани ташкил этди. Уларнинг 169,8 тоннасидан вақтинчалик кўчиб келганлар лагерлари фаолияти давомида фойдаланилди. Ўзбекистон томони ушбу товарларнинг қолган 451,6 тоннасини Қирғизистонга топширади.

Умуман, Ўзбекистонга келган қиймати 3926,6 минг долларлик инсонпарварлик юklarининг 1480,9 минг долларга тенг қисмидан фойдаланилди. Юklar омборлар орқали ёки тўғридан-тўғри лагерларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон кўшни мамлакатга БМТ ва Чегара билмас шифокорлар ташкилоти томонидан жўнатилган 70 тонна инсонпарварлик юкини транзит йўли билан етказиб бермоқда.

Андижон вилоятидаги «Дўстлик» чегара постида Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами юklarини топшириш маросими бўлди. Тадбир қатнашчиларининг айримлари журналистлар билан суҳбатда ўз фикрларини билдирди:

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анита НИРОДИ:

«Ўзбекистон раҳбариятининг тезкор ва самарали саъй-ҳаракатлари натижасида дунё аҳли Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалардан жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлди. БМТ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ёрдамини тақдим этди.

Биз мамлакатингиз ҳукуматидан самарали ҳамкорлиги, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги инсонпарварлик юklarининг қолган қисмини Қирғизистонга жўнатишдаги кўрсатаётган ёрдами учун миннатдоримиз. БМТ агентликлари ушбу инсонпарварлик ёрдамини эҳтиёжмандлар ўртасида тақсимлашни мувофиқлаштириб боради».

БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Антонио ГУТЕРОС:

«Биз Ўзбекистон ҳукуматининг оғир аҳволда қолган одамларга ёрдам бериш борасида кўрсатган қатъияти ва саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.

Фожиали воқеалардан жабрланганлар ўз ватанига қайтди ва ҳозир уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш гоят муҳимдир.

Қирғизистонда келгусида бундай фожиали воқеалар такрорланмаслигига ва минтақада тинчлик, барқарорлик ҳукм суришига умид қиламиз».

БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастурининг минтақавий директори Дали БЕЛГАСМИ:

«Ўзбекистон томони қўрсатган ёрдам туфайли биз бугун Қирғизистон ҳудудида 100 тоннага яқин озиқ-овқатни қабул қилиб олдик. Бу ердаги одамлар озиқ-овқатга катта эҳтиёж сезаётганини биламиз ва уни тегишли манзилларга ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қиламиз».

(ЎЗА)

2010 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

БМТ тизимидаги ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари Қирғизистон жанубида июнь ойида рўй берган ва Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудларига катта миқдордаги қочқинлар кириб келишига сабаб бўлган зўравонликлар оқибатида юзага келган гуманитар инқироз чоғидаги Ўзбекистоннинг гоят самарали саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон ҳукуматига БМТ агентликлари билан ўз вақтида яқин ва самарали ҳамкорлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этади. Қирғизистонда ваҳшиёна хунрезликлар бошланиши билан Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида ташкил этилган қочқинлар лагерларига ушбу агентликлар вакиллариининг кириб-чиқиши учун дарҳол имконият яратилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан БМТнинг резидент-мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари қочқинлар лагерларида бўлиб, уларнинг аҳволи билан бевосита танишди, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилган юксак олижаноблик ва амалга оширилган чора-тадбирлардан ҳайратга тушди.

Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашувлардан кейин БМТ агентликлари, жумладан, БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури, БМТнинг Гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳолишунослик жам-

фармаси каби тузилмалар қочқинлар лагерларига ўз ходимларини ва кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, сув, санитария-гигиена воситалари, шунингдек, дастлабки тиббий ёрдам тўпламларидан иборат гуманитар ёрдамни юборди.

Июнь ойи охирида қочқинлар ўз мамлакатига қайтиб кетганидан кейин БМТнинг Ўзбекистонга келтирилган гуманитар ёрдами кўшни Қирғизистонга ўтказиб берилди. Шу муносабат билан бизнинг бу борадаги ишларимизга кўрсатган катта ёрдами учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Умид қиламизки, ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этаверади. Биз қочқинлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлигимиз БМТ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Жаноби Олийлари, БМТ тизимидаги ташкилотлар номидан Сизга бўлган энг юксак ҳурмат-эҳтироmlаримизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

*Анита НИРОДИ,
БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
Жаноби Олийларига**

Қирғизистон жанубида ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан содир этилган хунрезликларни биз, Кембриж шаҳрида чуқур қайғу ва алам билан кузатдик. Мен шунга аминманки, Сиз биздан кўра кўпроқ ташвишга тушгансиз ва изтироб чеккансиз.

Бундай мусибатли дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намоён қилди, Сизнинг

тезкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маёғи эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоҳада юритишни яна бир бор намоеън этдингиз. Сиз ўз куч-ғайратингиз ва ресурсларингизни жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишни таъминлашга сафарбар қилдингиз. Том маънодаги йўлбошчиликнинг асл моҳияти мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилатингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

*Сидхарт САКСЕНА,
Кембриж университети профессори,
Марказий Осиё бўйича Кембриж
форуми раиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган
фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга
инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда алоҳида хизмат
қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат
ташкilotлари вакиллари
бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Халқимизга хос юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳр-мурувбат фазилатларини амалда яна бир бор намоён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Зайдинова Гулсорахон Шералиевна	Андижон шаҳридаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси
---------------------------------------	---

Тожиматова Ходяхон Турсиновна	Жалолқудуқ туманидаги «Бештол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
-------------------------------------	--

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуллаева Феруза Фанижановна	Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси
-------------------------------------	--

Абдурахмонова Роила	Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Андижон ви- лояти, Пахтаобод тумани бўлин- маси раиси
Нуралиев Баҳромжон Гуломжонович	Жалолқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёр- дам бўлими ҳайдовчиси
Тўйчиева Матлубахон Камолдиновна	Бўз тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси
Эргашев Авазхон Яқубжонович	Кўрғонтепа тумани ҳокими
Юсупов Машариф	Андижон вилоят ҳоқимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи бош му- тахассиси

«Дўстлик» ордени билан

Вахобжонова Ойдин Вахобовна	Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти бўлими масъул котиби
Кимсанова Замирахон	Пахтаобод тумани «Давр садоси» газетаси бош муҳаррири
Қурбонова Аропатхон Тошпўлатовна	Марҳамат туманидаги Т. Мир- заев номидаги маҳалла фуқа- ролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мас- лаҳатчиси

Раҳматова
Фируза
Ҳасанбоевна

Асака шаҳридаги «Ўзбекистон»
маҳалла фуқаролар йиғини
раиси

Сиддиқова
Фотима
Абдумуталибовна

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракатининг Қўр-
ғонтепа тумани кенгаши раиси

Хусанова
Муниҳон
Ақбаралиевна

Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги
оила, оналик ва болалиқни иж-
тимоий муҳофаза қилиш бўйича
бош мутахассиси

Шаропов
Анвар
Қурбонович

Ўзбекистон Республикаси Мил-
лий хавфсизлик хизмати ходими

Эргашева
Муяссар
Тиллаковна

Қўрғонтепа туманидаги «Қўш-
тепа» қишлоқ врачлик пункти
мудири

Якубова
Нигора
Камалдиновна

Андижон вилояти ҳокимининг
ўринбосари, вилоят хотин-қиз-
лар қўмитаси раиси

«Жасорат» медали билан

Ботиров
Иқболжон
Қобилжонович

Ўзбекистон Республикаси Мил-
лий хавфсизлик хизмати ходими

Жалилова
Маъмура
Абдурасуловна

Андижон вилояти ички ишлар
бошқармаси катта тезкор вакили

Насирдинов Таят Пўлатович	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Пирмухамедов Жаҳонгир Рихсибоевич	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Расулов Қобулжон Толибович	Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори
Талипов Баҳодир Абдурасулович	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Умирзақов Хуршидбек Ҳамидович	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Эралиев Бобиржон Толибжонович	Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув отряди ҳайдовчи-қутқарувчиси
Йўлдошев Ҳусанбой Қосимович	Жалолқудуқ туманидаги «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори

**«Содиқ хизматлари учун»
медали билан**

Кетмонов Иқболиддин Ҳомиджонович	Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳи катта терговчиси
--	--

Мамадалиева Муқаддасхон Тожиддиновна	Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори
Маткаримова Гулбаҳор Собиржоновна	Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими 4-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми кичик инспектори
Назаров Аҳмаджон Насирдинович	Андижон вилояти фавқулодда вазирлар бошқармаси авария- қутқарув отряди қутқарувчиси
Ташматов Баҳодир Абдурашитович	Жалолқудуқ туманидаги «Ёр- қишлоқ» маҳалла фуқаролар йи- ғини чегара посбонлари сардори
Тошматова Иқболхон Абдуллаевна	Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор вакили
Фаттаев Жаъфар Раҳманович	Ўзбекистон Республикаси Мил- лий хавфсизлик хизмати ходими
Ҳайтмуратов Олимбек Тошпўлатович	Ўзбекистон Республикаси Мил- лий хавфсизлик хизмати ходими
Ҳайдаров Акмалжон Одилович	Ўзбекистон Республикаси Мил- лий хавфсизлик хизмати ходими
Ҳайдаров Ҳусан Нишоневич	Ўзбекистон Республикаси Мил- лий хавфсизлик хизмати ходими

Шоодилов
Фарҳод
Шорустамович

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев
Фароҳиддин
Абдуваҳобович

Қорасув шаҳар марказий поли-
клиникасининг умумий амалиёт
шифокори

Абдурахмонов
Шухратбек
Қўшоқбоевич

Пахтаобод тумани ҳокими

Аманова
Зулхумор
Алижоновна

Қорасув шаҳридаги «Пахтачи»
маҳалла фуқаролар йиғини раи-
сининг диний маърифат ва маъ-
навий-ахлоқий тарбия масала-
лари бўйича маслаҳатчиси

Бегимқулова
Маҳабатхон

Асака туманидаги «Маркаюз»
маҳалла фуқаролар йиғини раи-
сининг диний маърифат ва
маънавий-ахлоқий тарбия маса-
лалари бўйича маслаҳатчиси

Болтабоева
Илтифотхон
Ибрагимовна

Андижон шаҳридаги «Ислом-
обод» маҳалла фуқаролар йи-
ғини фаоли

Гафарова
Қундузхон
Гафаровна

Хўжаобод туманидаги «Олтин
водий» қишлоқ фуқаролар йи-
ғини раиси

Жумабаев Акмалжон Адилович	Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти бўлими кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раиси
Ибрагимова Одина Йўлдошбаевна	Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси
Мадраҳимова Ёқут Холмирзаевна	Асака шаҳридаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Мамажонов Мансурбек Аҳмедович	Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси
Нуритдинова Гулнора Насретдиновна	«Андижонтелеком» акциядорлик жамиятининг Куйганёр филиали директори
Усмонохунова Розихон Юсуповна	Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мудир
Ҳайдарова Шоҳидахон Ибрагимовна	Шаҳрихон туманидаги «Қушқўноқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ҳолбоева
Ҳафизахон
Маҳаммадҷоновна

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракатининг Пахта-
обод тумани кенгаши раиси

Йўлдошева
Замира
Арабовна

Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармасининг Олтинқўл ту-
мани бўлими раиси

Юсупов
Нодирбек
Комилович

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракатининг Анди-
жон шаҳар кенгаши раиси

Қодирова
Нурхон
Мамарайимовна

Марҳамат туманидаги «Бўри-
боши» қишлоқ врачлик пункти-
нинг катта ҳамшираси

Қурбонов
Элмурод
Рустамович

Андижон шаҳар ҳокимлиги бош
мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 5 июль

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизнинг шу йил 26 май куни Андижонга қилган ташрифингиз давомида вилоятимиз аҳли ҳақида билдирган самимий фикрларингиз ва ишончингиз, бизнинг камтарона меҳнатимизга берган юксак баҳонгиз барча андижонликларни чексиз руҳлантириб юборди.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлашни истардикки, Сизнинг Андижонга, андижонликларга нисбатан ўзгача меҳрингизни биз доимо ҳис қилиб турамыз. Хусусан, ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси сифатида «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011—2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорингиз ҳам барча юртдошларимиз қалбига гурур ва ифтихор, ғайрат ва шижоат бахш этди, келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Ушбу қарорни биз вилоятимиз аҳли учун ниҳоятда қувончли ва шарафли, айни вақтда ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайдиган муҳим ҳужжат сифатида қабул қилдик.

Куни кеча эълон қилинган «Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари-нинг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонингиз билан танишиб, Сизнинг одилона сиёсатингизнинг амалий ифодасини яна бир бор юракдан ҳис этдик.

Халқимизга азалдан хос бўлган одабийлик, инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун деб билиш, кўмак ва мададга муҳтож кишиларга беминнат ёрдам бериш, тинч-осойишта ҳаётни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилишда,

энг аввало, Сизнинг шахсий ибратингиз, қатъият ва иродангиз, оқилона йўл-йўриқ ва ўғитларингиз биз — Андижон аҳли учун ҳар томонлама таянч ва мадад бўлганини таъкидламоқчимиз.

Ушбу воқеалар муносабати билан Сизнинг Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ меҳнаткашлари билан мулоқот пайтида билдирган фикрларингиз, бутун халқимизни оғир-вазмин бўлишга, «етти ўлчаб бир кесиш»га даъват этганингиз барчамизга ўта қалтис ва таҳликали бир вазиятда ягона тўғри йўлни топишимизда беқиёс ёрдам берди.

Фармонингизга биноан берилган мукофотларни нафақат Андижон аҳлига, балки тинч ва осуда ҳаётни қадрлайдиган, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни қарор топтириб келаётган бутун мамлакатимиз халқига кўрсатилган юксак эътибор ифодаси, деб биламиз.

Биз Андижон вилояти аҳли номидан ана шундай ҳурмат-эътибор учун Сизга яна бир бор чуқур миннатдорлик билдирамыз. Сиз бошлаган мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юртимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек улуғ ва муқаддас ишларнинг доимо олдинги сафларида бўламиз, бу йўлда бор куч-ғайратимиз, ақл-идрокимиз, билим ва салоҳиятимизни сафарбар этамыз, деб Сизни ишонтирамыз.

Халқимиз бахтига, фарзандларимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!

Андижон вилояти аҳли номидан:

Т. ТОПВОЛДИЕВ,

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари

С. АБДУЛЛАЕВА,

Ўзбекистон Қаҳрамони

И. ВАЛИЕВ,

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси

ЧУҚУР ҲИЛАНГАН ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ҚАБИҲ МАҚСАДЛАР БАРБОД БЎЛДИ

ЎРТА ОСИЁДА, ЧАМАСИ, КЕНГ КЎЛАМЛИ
УРУШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ.
БУ ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВНИНГ
ХИЗМАТИДИР

Сўнги ойларда Қирғизистонда рўй берган воқеалар мамлакат ичкарисида, бутун Марказий Осиё минтақасида, қолаверса, бутун дунёда ким аслида ким эканини аниқ кўрсатиб берди. Ҳар бири ўз билганича мамлакатни мана шу аҳволга олиб келган қирғизистонлик барча тоифадаги сиёсатчиларнинг тўла ва шармандали тубанликка юз тутгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уларнинг нима қилиб бўлса ҳам, ҳатто юзлаб ва минглаб қурбонлар эвазига ҳокимият кemasига илиниб олиш йўлидаги уринишлари манфур сурбетликдан бошқа нарса эмас.

Содир этилган фожиали воқеалар жараёнида қўшни давлатлар, бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) раҳбарлари ҳам ўзини кўрсатди, Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилотидек (ОДКБ) мутлақо фойдасиз ва таъсирсиз ташкилот ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Буюк давлатларнинг бу воқеаларга нисбатан ҳар сафар ўзгариб, турланиб борган муносабатлари ва сиёсий ҳаракатлари ҳам кишини ажаблантирди. Амалда эса бу мусибатли кунларда улар бизни сотишди, барча воқеаларга ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишди. Оқибатда шундай тасаввур ҳосил бўлдики, дунёда ҳақиқий буюк давлатлар қолмаган, фақат манфаатпараст, ўзини ўйлайдиган, ҳамма ерда фойда ва фақат фойдани кўзлайдиган давлатларгина қолгандек.

Бу воқеаларга Ўзбекистоннинг расмий позицияси ҳайрат ва ҳақиқий ҳурмат уйғотди. Бутун Марказий Осиёдаги вазият кўп жиҳатдан минтақадаги етакчи давлат бўлган мана шу мамлакатнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Яқинда Қирғизистон жанубида содир этилган хунрезликдан қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам жабр кўрди, Роза Отунбоева таъкидлаганидек, этник можаро «барча чегаралар»дан чиқиб кетди. Бу фитна анчадан буён пухта тайёрланиб, етилиб келаётган эди. Яқинда Ўш шаҳри атрофида амалга оширилган «тозалаш» натижалари буни аниқ кўрсатди. Бу ҳақда ҳали кўп ёзилади, гапирилади ва таҳлиллар бўлади. Бироқ, июнь ойининг машъум кунлари Марказий Осиё, айниқса унинг биз эски совет одати бўйича Ўрта Осиё деб атайдиган стратегик муҳим минтақасида қандай даҳшатли портлаш кучига эга потенциал яшириниб ётганини юзага чиқарди, холос.

«Бундай қонли фожиа ҳақида эшитиш, кузатишнинг ўзи бир азоб, — деди Ислом Каримов яқинда қадимий Бухорога сафари чоғида. — Қон тўкиш, бегуноҳ одамларни, мурғак гўдакларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш, ярадор қилиш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Бундай қонли жиноятларнинг тагига етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонман. Фожианинг сабаблари ҳақида гапирганда, — деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари, — мен қонга — қон, жонга — жон, деган қарашга қаршиман. Нафақат қаршиман, балки шундай фикр билан юрадиганларни халқимизнинг душмани, деб биламан. Бугунги мураккаб шароитда огоҳлик, сезгирлик, вазминлик ҳар қачонгидан кўра муҳим».

Ислом Абдуғаниевичнинг фикрича — балки бу масалада у ҳаммадан кўра кўпроқ маълумотга эгадир — юз берган фожиага қирғиз халқи ҳам, у ерда яшаётган ўзбек миллати ҳам сабабчи эмас. Бу четдан туриб

ташқил қилинган ва бошқарилган кўпорувчилик ҳаракатларидир. Кўпорувчиликни ташқил қилган кучлар бу тўқнушувга Ўзбекистонни ҳам қўшиб қўйишга, юз бераётган воқеаларни ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги можаро сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган.

Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари қўшни қардош мамлакат раҳбари сиймосида ҳақиқий раҳнамо ва буюк сиёсатчини эътироф этишга ундайди: «Биз буюк халқмиз, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз халқи билан ўзимиз тил топамиз, бу можароларни ечишга ўзимизнинг қурбимиз, ақлимиз ва тажрибамиз етади».

Мен ўз сиёсий фаолиятимда жуда кўп нарсаларни кўрганман, лекин Ислом Каримовнинг бу сўзларини кўзга кўринадиган барча жойларда ёзиб қўйиш керак, деб ҳисоблайман. Бу том маънода бебаҳо ва буюк сўзлардир. Ўзбекистондек ажойиб ва қадим мамлакат раҳбарига муносиб сўзлардир.

Агар Ўзбекистон Президенти узоқни кўра биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳиссиётини жиловлай оладиган раҳбар бўлмаганида, лоақал бирорта ўзбек аскарлари Қирғизистон чегарасини кесиб ўтганида биз шу заҳоти нафақат кенг кўламли этник, балки давлатлараро тўқнашув домига тортилган бўлур эдик. Ва бу тўқнашув оқибатда чинакам урушга айланиб кетиши мумкин эди...

Ўзбекистон айнан Ислом Каримовнинг раҳбарлигида шунча йил давомида — келинг, ҳеч бўлмаса буни энди эътироф этайлик — ҳудудий яхлитлик ва сиёсий барқарорлик билан, умуман олганда, муваффақият билан ривожланмоқда. Иродали, қатъиятли ва биз бугун кўриб турганимиздек, донишманд раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шундай ютуқларга эришмоқда.

Ҳа, бизнинг ўта мураккаб минтақамизда кенг кўламли можаро, балки урушнинг олди олинди. Ва бу, такрор айтаман, аввало, Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматидир. Қирғиз-ўзбек можаросидаги портлаш кучига эга бўлган ушбу вазиятда Ўзбекистон Президенти ғоят оқилона ва донолик билан иш тута билди. Бу эса ўз қадр-қимматини биладиган ва ҳур-матга сазовор мамлакат раҳбарига муносиб фазилатдир.

*Осмонакун ИБРАИМОВ,
Қирғизистон Республикасининг
собиқ давлат котиби (2000 — 2005), профессор*

*«Белый Парус», 2010 йил 23 июнь
(Қирғизистон Республикаси)*

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига сафари чоғида Қирғизистонда содир этилган воқеалар бўйича берган баёноти юзасидан давлат, сиёсат, ишбилармон, эксперт ва таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида кўплаб фикрлар ва шарҳлар келиши давом этмоқда.

Ажай ПАТНАИК, Ж.Неру номидаги университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори (Ҳиндистон):

«Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар нафақат ушбу мамлакат, балки Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун ҳам синов бўлди. Ўзбекистон

Президенти Ислом Каримов бундай ўта мураккаб вазиятда ўзининг мустаҳкам иродаси, юксак инсоний кадр-қимматини намоён этди, ҳис-туйғуларига эрк бермади, энг юксак таҳсинга сазовор бўлган сиёсий донолик ва узоқни кўра билиш фазилатларини на-мойиш қилди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, айнан Президент Ислом Каримовнинг позицияси беқарорлик кўламининг кенгайишига йўл қўймади. Ўзбекистон бундай вазиятда тезкорлик билан ўз чегарасини очиб, қўшни давлатдан 100 мингдан ортиқ қочқинларни ўз ҳудудида қабул қилгани, уларни жойлаш-тиргани, тиббий хизмат, озиқ-овқат таъминоти, маънавий-руҳий ёрдам кўрсатишни ташкил этгани — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг том маънода Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг кафо-лати эканини кўрсатди.

Бу воқеалар Ўзбекистон ҳар қандай шароитда ўз иқтисодиётини барқарор ривожлантираётганини, аynи вақтда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаётганини яна бир бор исботлади. Минтақадаги бошқа бирон-бир давлат бу каби ўта мураккаб муаммони бунчалик тез ва самарали ҳал эта олишига мен ишонмайман.

Шуни таъкидлашни истардимки, кўрқувдан ўз уйларини ташлаб, ўқлар овози даҳшат солмаётган, хунрезлик ва зўравонликлар рўй бермайдиган Ўзбекистон ҳудудига ўтаётган хотин-қизлар ва болаларга ўзбек ҳарбийлари ёрдам бераётган видеоларларни телевидение орқали кўриб, қаттиқ ларзага тушдим. Ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган ушбу кадрлар дунёнинг барча телеканалларида намойиш этилгани муҳим аҳамиятга эга. Бутун дунё ўзбек халқининг саховати ва меҳр-шафқати, мурувватининг чексиз-лигига гувоҳ бўлди.

Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримовнинг, Қирғизистонда рўй берган воқеалар — бу минтақадаги вазиятни издан чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган қабиҳ кучларнинг пухта режалаштирилган хатти-ҳарака-тидир, деган сўзларини қўллаб-қувватлайман».

Ж. ЛИППЕР, Европа халқаро муносабатлар инсти- тути вице-президенти, сиёсат фанлари профессори (Бельгия):

«Мен Ўзбекистоннинг ушбу воқеаларга нисбатан оғир-вазмин ва амалий позициясини юксак баҳо- лайман».

Экспертнинг фикрича, Қирғизистондаги вазият мураккаб ва қалтислигича қолмоқда. Шу муносабат билан халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти можаронинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида шошилиш чораларни кўриши даркор. Бунда, экспертнинг фикрича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг те- гишли резолюцияси қабул қилинишига эришиш зарур.

Европа халқаро тадқиқотлар институтининг халқаро масалалар бўйича етакчи эксперти Х.БАЙЗ (Бельгия) Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан Ўзбекистон танлаган позиция мутлақо тўғри ва оқилона эканли- гини таъкидлади. Эксперт давлатимиз раҳбари ўзини фавқулодда масъулиятли сиёсатчи сифатида намоён этганини алоҳида қайд этди. Европанинг қўллаб етакчи сиёсатчилари ва расмий доиралари вакиллари ҳам ана шундай фикрда.

Х. Байз Ўзбекистон томонидан қирғизистонлик қочқинларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича амалга

оширилган чора-тадбирларни юксак баҳолади. «Дастлабки кунларда Ўзбекистон ўз давлат бюджетидан гоят катта миқдорда маблағлар ажратди, ўзбек халқи ҳам бефарқ қараб турмади, қочқинларга зарур ёрдам кўрсатди».

Рохан ГУНАРАТНА, С.Ражаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби ҳузуридаги Сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш бўйича халқаро марказ директори, профессор (Сингапур):

«Қирғизистонда содир этилган фожиадан бутун жаҳон ҳамжамияти катта хавотир ва ташвишга тушди.

Бу хунрезликларни уюштирганларнинг якуний мақсади Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш бўлганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистон раҳбари ўзининг узоқни кўра билиш қобилияти ва бой сиёсий тажрибаси туфайли минтақадаги қалтис вазиятнинг ёйилиб кетишига йўл қўймади. Ўзбекистон қочқинларга ўз чегарасини очиб, уларга зарур биринчи ёрдамни кўрсатди, минтақада ўзининг етакчи давлат, шунингдек, тинчлик ва барқарорликни сақлаш тарафдори эканини яна бир бор намоён қилди».

Аднан СУЕР, «TRT-Avaz» телеканали мувофиқлаштирувчиси (Туркия):

«Журналист сифатида Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистондаги воқеалар бўйича Президент Ислон Каримов томонидан баён қилинган позицияси Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнларни, Ўзбекистоннинг етакчи давлат сифатида минтақада хавфсизлик ва барқарорлик учун масъулиятни чуқур ҳис этишидан далолатдир, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон шуҳратпарастлик шиори билан эмас, балки яхши қўшничилик, минглаб одамлар ҳаёти учун жавобгарликка асосланган соғлом фикр билан йўғрилган

оқилона ва оғир-вазмин сиёсатни амалга ошираётганини яна бир бор намоён қилди».

Айфер АКСУ, «Global Yorum» Интернет нашри бош муҳаррири (Туркия):

«Қирғизистондаги воқеалар бўйича баёнот Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг донишмандлигини яна бир бор намоён этди. Ўзбекистоннинг мустақилликнинг дастлабки кунларидан намоёниш қилиб келаётган тинчликсевар сиёсати унинг минтақадаги тарихий ролига тўла мос келади».

Расим МУСАБЕКОВ, сиёсатшунос (Озарбайжон):

«Қирғизистон жанубидаги аянчли, тўғрироғи, фожиали воқеалар Бокуда ҳам катта хавотир уйғотди.

Ўзбекистон Президенти, муҳтарам Ислон Каримов Қирғизистон жанубидаги тўқнашувлар пайтида намоён қилган оғир-вазминлик ва донишмандлик можарони тўхтатиб қолиш имконини берди, этник адоват оловининг бутун Марказий Осиёга ёйилиши ва авж олишига йўл қўймади. Барча соғлом фикрли сиёсатчилар, таҳлилчилар ва оддий одамлар Ўзбекистон раҳбарининг бу фазилатларини муносиб баҳоламоқдалар. Биз, боқуликлар, бундай қарама-қаршилиқлар, айниқса, нафақат миллатлараро, балки давлатлараро хусусият касб этганида, қандай оғир оқибатларга олиб келишини яхши биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўз баёнотида даъват этган ақл-идрок, оғир-вазминлик, ўзини масъулиятли тутиш айнан вазиятни аста-секин ўнглаш имконини берадиган омиллар ҳисобланади».

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

«Бу фожиали кунларда бутун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда Қирғизистондан қочиб келган ўзбек миллатига мансуб бегуноҳ болалар, аёллар ва қариялар муҳофазага олинганини ва хавфсиз жойларга жойлаштирилганини кўриб турди.

Мен Ўш ва Жалолобод вилоятларида бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилар эканман, Президент Ислон Каримовнинг пухта ўйланган ва оқилона қарори бутун минтақани қамраб олиши мумкин бўлган мудҳиш уруш оловини ўчирди, деб айта оламан.

Қирғизистондаги ҳозирги вазият қалтислигини ҳисобга олиб, жиноятларни мустақил тергов қилиш ва барча айбдорларни жавобгарликка тортиш мақсадида халқаро комиссия ташкил этиш, айниқса, муҳимдир.

Мен Президент Ислон Каримов намоён этган, Ўзбекистон катта ҳарбий қудратга эга бўлишига қарамай, халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишга асосланган оқилона қарор ва жиддий ёндашувни юксак қадрлайман. Бу мардонавор азму қарор БМТ тизимидаги тузилмалар томонидан ҳам, АҚШ, Германия, Франция ва дунёнинг кўплаб бошқа етакчи давлатлари ҳукуматлари томонидан ҳам юксак баҳоланди».

Ролан БЛЮМ, Буш-дю-Рон минтақаси депутати, Миллий ассамблеядаги Франция — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи раиси (Франция) ўз шарҳида, «қуролланган тўдаларнинг Қирғизистон жанубида, жумладан, Ўшда ва унинг атрофларида камсонли ўзбек миллатига мансуб аҳоли жабр кўришига олиб келган зўравонликларини кескин қоралашини» таъкидлайди.

«Адолат албатта қарор топиши ва бу оммавий жиноятларни уюштирган айбдорлар қонун олдида муқаррар жавоб беришини таъкидлаб, одамларни ишонтирган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг оғир-вазминлигига таҳсинлар айтаман ва уни қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон раҳбари ўз халқини Ўзбекистон ҳудудига ўтган қочқинлар оқимини кўриб, қасос ўтида ёнмасликка чақирди. Қочқинларга тезкорлик билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди, жумладан, улар озиқ-овқат билан таъминланди, тиббий хизмат кўрсатилди, руҳан қўллаб-қувватланди.

Президент Ислон Каримов ўзининг тинчликпарвар инсон эканлигини, Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва минтақадаги халқлар тақдири учун жонкуярлигини яна бир бор намоён этди».

Ж. ДЕЛАПОРТ, Руан технология институти ҳуқуқшуноси, профессор (Франция):

«Ўзбекистон Президентининг Қирғизистондаги воқеаларга оид баёноти Ислон Каримовнинг оғир-вазминлиги, самимийлиги, донолиги ва қўшни мамлакатдаги вазиятни теран англашини яна бир бор намоён этганини таъкидламоқчиман.

Президент Ислон Каримовнинг Қирғизистондаги фожиали воқеаларни асло этник ёки диний можаро деб бўлмади, деган фикрига тўла қўшиламан».

Малайзиянинг Халқаро ишбилармон аёллар уюшмаси президенти Норазиза БЎРҲОН Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Қирғизистондаги воқеаларга оид баёнотини шарҳлар экан, қуйидагиларни қайд этади: «Ўзбекистоннинг оғир-вазмин позицияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ҳар томонлама пухта

ўйланган ва кенг мушоҳадали баёноти Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлди, аҳвол янада ёмонлашиб, фожиали воқеалар бошқа мамлакатларга ёйилиб кетишининг олдини олди.

Ислом Каримовнинг баёноти ва ўтиш даври президенти лавозимига тасдиқлангани муносабати билан Р. Отунбоевага йўллаган табриги, шунингдек, оғир дамларда Қирғизистонни қўллаб-қувватлагани нафақат қирғиз халқи, балки бутун жаҳон жамоатчилигида Ўзбекистон Президентига нисбатан янада улкан ҳурмат-эҳтиром уйғотди».

Владимир МЕСАМЕД, Қуддус университети профессори:

«Ўзбекистонни бу можарога тортмоқчи бўлдилар, лекин, кўриниб турибдики, бу ҳеч қандай натижа бермади. Менимча, ушбу можарога байналмилал тус беришга уринишнинг мутлақо фойдаси йўқ. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг «Бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва халқнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади», дегани, шакшубҳасиз, одилона сўзлардир».

Доктор Маҳмуд-ул-ҲАСАН ХОН, Покистон Марказий банки таҳлил бошқармаси етакчи эксперти, «Defense Journal» журналининг геосиёсат ва иқтисодиёт масалалари бўлими мудири:

«Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан Президент Ислом Каримов барча минтақавий ижтимоий-иқтисодий ва геостратегик можароли масалаларни тинч йўл билан, куч ишлатмасдан ҳал

қилиш гоёсини илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон Президенти миллий истиқлолнинг асл руҳини, давлат чегарасини ҳимоя қилиш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, тинчлик ва минтақавий тотувликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча фазилатларга эга узоқни кўзлаб иш юритувчи давлат арбобидир.

МДХ мамлакатлари янги тарихининг қалтис бурилиш даврида Ўзбекистон раҳбари ўзининг оқилона сиёсати ва қатъий оғир-вазмин фалсафасининг ҳаётийлигини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов одилона иш тутди, тинчлик ва барқарорликни асраш учун жамоатчиликни зўравонликка қарши туришга чақирди. Зеро, кечиримлилик минтақани қутқариб қолиш йўлидир, ваҳшийлик ва интиқом билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аксинча, бу янада баттароқ тартибсизликлар, адоват ва норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ислон Каримов Қирғизистондаги шиддат билан ўзгариб бораётган сиёсий вазиятга аралашмаслик билан ўзининг буюк сиёсий арбоб эканини намоён этди.

Ҳақиқий йўлбошчилик фазилатларига эга Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ўш ва Жалолободдаги ўзбек миллатига мансуб бегуноҳ, ҳимоясиз аёллар ва болаларга қарши очиқчасига содир этилган ваҳшиёна жиноятларга нисбатан шошма-шошарлик билан иш тутишдан тийилишни кўзда тутган оқилона позицияси минтақани мавжуд вазиятнинг янада оғирлашишидан қутқариб қолди.

Президент Ислон Каримовнинг ўз вақтида берилган баёноти унинг доно давлат арбоби эканини яна бир бор исботлади».

**Арсим ЗЕКОЛЛИ, ЕХХТнинг Туркменистондаги
маркази раҳбари:**

«Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашда ҳал қилувчи ўрин тутди. Президент Ислон Каримовнинг тинчликпарвар ташаббуслари доимо халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон жанубидаги воқеаларга оид сўнгги баёноти ҳам ана шундай эътирофга сазовор бўлди.

Қўшни мамлакатдаги вазият қанчалик кескин бўлишига қарамай, Ўзбекистон ҳолис ва узоқни кўзловчи сиёсатини намойиш этиб, энг тўғри позицияни танлади.

Болқонда миллатлараро тўқнашувлар минглаб одамларнинг қурбон бўлишига, миллионлаб одамларнинг уй-жойини ташлаб кетишига, давлатнинг парчаланишига, кўплаб вайронагарчиликлар ва одамларнинг азоб-укубат чекишига олиб келганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон давлатининг Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш сиёсатига қатъий содиқлигини ва минтақа хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутишини жаҳон аҳлига яна бир бор намоён этди».

*«Жаҳон» АА
2010 йил 9 июль*

ХУНРЕЗЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК

ДУЎСТ БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

2010 йилнинг 11—15 июнь кунлари Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар халқимизда жиддий ташвиш уйғотиб, қайғу-изтиробга солди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида, хусусан, марказий нашрларимизда чоп этилган кўплаб мақолаларда юртдошларимиз ушбу воқеаларга оид ўзларининг жиддий муносабатларини баён этдилар.

«Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир бўлаётган воқеалар барчамизни жиддий ташвишлантирмоқда, — дейди Андижон вилоятида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Юсуф Сотиболдиев «Халқ сўзи» газетасининг 15 июнь сонидида чоп этилган «Қабиҳ кучлар ниятига етолмайди» номли мақоласида. — Бу ерда босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳоли вакиллариغا, хусусан, ўзбек миллатига мансуб кишиларга нисбатан қилинаётган хунрезлик, қотиллик, зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ва талон-тарож ҳолатлари ҳар қандай кишининг ғазабини кўзғайди.

Ушбу мураккаб вазиятни юзага келтираётганларнинг асл мақсади нимага қаратилгани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Баёнотида айтиб ўтилди. Яъни, «Уюштирилаётган, бошқарилаётган ва ифвогарлик характериغا эга бундай хатти-

ҳаракатлар миллатлар ўртасида низо кўзгатиш, Қирғизистон жанубида яшаётган кам сонли миллатлар вакиллари учун чидаб бўлмайдиган шароитни вужудга келтириш ниятида узоқни кўзлаб содир этилмоқда, деб хулоса чиқариш учун барча асослар бор».

Таъкидлаш жоизки, бу қабиҳ фожиани ташкил этган, бошқарган ва йўналтирган кучларнинг разил ниятларига қарши Ўзбекистон авваламбор одамгарчилик ва инсонпарварликнинг юксак намунасини яна бир бор намоён этди. Четдан туриб ташкил этилган бу хунрезликнинг асл мақсади — асрлар, минг йиллар давомида қўшни бўлиб келган икки халқ ўртасида уруш чиқариш, шу тариқа уларни умрбод бир-бирига душман қилиб қўйиш ва ўзининг узоқни кўзлайдиган ғаразли ниятларига етишдан иборат бўлгани бугунги кунда тобора аён бўлмоқда. Бу кучларнинг мақсади — минтақада даҳшатли уруш алангасини, таъбир жоиз бўлса, дўзах алангасини ёқиш, кейин эса ўзлари уюштирган бу фитнани гўёки бартараф этиш, томонларни яраштириш учун ҳаракат қилишга қаратилганини тушуниш, англаш қийин эмас.

«Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар қаноти» раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Энахон Сиддиқова «Ўзбекистон овози» газетасининг 15 июнь сонидида чоп этилган «Ақл-идрок билан иш тутайлик» номли мақоласида. — Мен Водилда яшайман. Қишлоғимиз Қирғизистон билан чегарадош. Ўзбек билан қирғиз минг йиллар давомида елкама-елка яшаб, топган-тутганини бирга баҳам кўриб келаётган халқлардир. Кейинги кунларда Қирғизистон жанубида юз берган зўравонликлар барчамизни қаттиқ қайғу-изтиробга солди. Чунки ери — еримизга туташ қўшни юрт тупроғида содир бўлган бундай хунрезликлар икки

қардош халқ душманларининг тегирмонига сув қуяди. Шунинг учун бундай жанжал-тўполонларга чидаб бўлмайди. Уларга ҳеч бепарво қараб бўлмайди.

Менимча, Қирғизистонда юз берган воқеалар ортида иккала халқнинг ҳам келажагини кўролмайдиган, уларнинг тинч-тотув яшашидан манфаатдор бўлмаган қора кучлар турибди. Буларнинг барчаси ҳасад ва ичиқоралик билан ташкил этиляпти.

Қаранг, Фарғона туманининг ўзида қирғизлар яшайдиган 13 та қишлоқ мавжуд. Сиз бу ерда бу — ўзбек, бу — қирғиз, деган гапни эшитмайсиз. Тўю маъракамиз, қувончу ташвишимиз бир. Қуда-анда бўлиб кетганмиз. Биз маҳаллий халқлар бир-биримизга елкадош бўлиб, ҳамдард бўлиб, бир бурда нонни баҳам кўриб яшаганмиз ва буни ҳеч ким ўзгартиролмади».

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги Ёрқишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор У. Сотволдиев, шу тумандан яна бир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насиба Қаюмова, Кўрғонтепа туманидаги «Аваз» фермер хўжалиги раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Комилжон Содиқовнинг «Правда Востока», «Народное слово», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида эълон қилинган мақолаларида ҳам шунга ҳамоҳанг фикрларни ўқиш мумкин. Жумладан, «Бундай вазиятда ҳар биримиз ортиқча ҳаяжонга берилмай, ақл билан иш тутишимиз шарт. Ҳар икки халқ вакиллари вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда, икки халқни четдан туриб гиж-гижлаётган ғаламисларга муносиб зарба бериши лозим. Аслида, ҳақиқий марднинг иши шундай бўлади», деган мазмун ушбу чиқишларнинг бош ғоясини ташкил этади.

Мазкур мудҳиш воқеага муносабат билдирган барча юртдошларимиз мана шундай ўта оғир, ўта мураккаб

ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистоннинг яккаю ягона тўғри йўлни топа олгани ва уни қатъият билан амалга оширганини алоҳида таъкидлайдилар.

Қирғизистондаги хунрезликни уюштирган разил кучлар ўз ниятларига етиш учун минг-минглаб одамларни ўлдиришга, чақалоқлар, аёллар, кексаларни нобуд қилишга, қанча-қанча уйларни вайрон этишга тайёр эканини, бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмаслирини кўрсатди.

Хунрезлик рўй берган биринчи кундан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ва халқи томонидан юртимизда паноҳ топган Қирғизистон фуқароларига беғараз ёрдам ва кўмак берилди. Қочоқларга зарур тиббий, маиший ёрдам кўрсатиш, озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, зарур ҳаётий воситалар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги махсус муҳбири М. Сулаймонов марказий нашрларда ёрилган «Дўст бошга кулфат тушганда билинади» номли мақоласида Андижон вилоятининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида жабрдийдаларга ёрдам кўрсатадиган лагерлар ташкил этилгани, мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жабрланганларга ёрдам кўрсатилаётгани, айниқса аёллар ва болаларга зарур шарт-шароит яратилаётгани ҳақида сўз юритиб, қирғизистонлик қочқинлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашади.

«Биз Ўзбекистон халқи ва Президентидан жуда миннатдормиз, — дейди ўшлик Насиба Мамиржонова. — Ўш шаҳрида тинч аҳолига, хусусан биз, ўзбек миллатига мансуб кишиларга қаратилган қотиллик ва хунрезликлардан қалбимиз қаттиқ жароҳатланди. Кўз олдинда уйингга ўт қўйилса, қондошларинг отиб ташланса, жуда оғир бўлар экан».

Бошимизга мусибат тушганида бизга бағрини очган, дардимизга шерик бўлган Ўзбекистон халқидан беҳад миннатдормиз, — дейди жалолободлик Муҳаббат Зоитова. — Бу ерда шифокорлар соғлигимизни назорат қилиб турибди. Озиқ-овқат, кийим-кечак — барча зарур нарсалар етарли. Маҳалла фаоллари, оддий одамларнинг ҳолимиздан хабар олиб тургани бизга далда бўлмоқда. Осуда ҳаётимизга раҳна солган, қотиллик, хунрезликларни уюштирганлар тез кунларда ўз жазосини олади, деган умиддамыз».

«Ўшда содир бўлган қирғин-баротлардан сўнг тинчликнинг қадрини янада чуқурроқ тушуниб етдик. Уйларнинг ёнаётгани, тинч аҳолига нисбатан ваҳшийликлар, болаларнинг кўзидаги кўрқув барчамизни даҳшатга солди. Ана шундай оғир кунда бизга Ўзбекистон катта ёрдам бераётгани бу мамлакатда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигини яна бир бор кўрсатади», — дейди 82 ёшли отахон Раимжон Алижонов.

«Бундай кунларни душманмизга ҳам раво кўрмаймиз, — дейди аравонлик Ражабали Мирзааҳмедов. — Ўзбек-қирғиз азалдан бир ариқдан сув ичган қондош халқ. Ана шу дўстликка раҳна солмоқчи бўлган бузғунчи кучлар ўзларининг ғаразли ниятларига ета олмаслиги аниқ. Оғир кунларда кексаларни, аёллар ва болаларни бағрига олиб, бошпана бергани учун ўзбек халқидан миннатдормиз».

«Ўзбек ва қирғиз халқи азалдан бирга яшаб келмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти Хўжаобод тумани бўлими раиси Каримжон Усмонов. — Ғаламислар ҳеч қачон бу абадий дўстликка путур етказа олмайди. Қўшнимизнинг бошига оғир кун тушганда қараб туrolмаймиз. Шу боис уларга бошпана бериб, барча шароитларни ташкил этмоқ-

дамиз. Аҳиллик бор жойда — барака бўлади. Ана шу нақлни асло унутмаслик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш билан баъзи бир қора кучларга муносиб зарба беришимиз керак. Бу ҳақиқий марднинг иши бўлади».

«Қирғизистоннинг Ўш вилоятида рўй берган воқеаларни эшитиб, қаттиқ хавотирландик, — дейди Марҳамат туманидаги «Қорақўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси Арофатхон Қурбонова. — Миллатларимиз ўртасига нифоқ солмоқчи бўлганлар ниятига етолмайди. Бунинг учун кўпуровчиларнинг, четдан туриб гиж-гижлаётганларнинг гапига кирмаслик, оғир-вазминлик билан, оқибатини ўйлаб иш кўрмоқ керак».

«Айни кунларда малакали шифокорларни жалб этган ҳолда ярадорларга, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатмоқдамиз, — дейди Андижон вилояти кўп тармоқли шифохонаси бош врачлари Абдуғани Йўлдошев. — Шифохоналарда барча шароит яратилган. Дори-дармонлар етарли. Бугун бошига мусибат тушган минг-минглаб одамларга кўрсатилаётган ёрдам қондош-жондош бўлган дўстларга берилаётган ёрдамдир».

Ҳақиқатан ҳам, икки қардош халқ ўртасидаги азалий дўстликка ҳеч ким раҳна сололмайди. Ўш ва Жалолободда қанча қон тўкилса, бу аввало қирғиз ва ўзбек халқи душманларининг тегирмонига сув қуюди, бунга сира чидаб бўлмайди. Биз Қирғизистондаги вазият тезроқ изга тушиб, у ердаги кўп миллатли аҳоли тинч, осойишта ҳаёт кечириши тарафдоримиз.

ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАН ХАЛҚНИНГ БАҒРИ КЕНГ БЎЛАДИ

Шу йил 11—15 июнь кунлари Қирғизистоннинг жанубида — Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида содир этилган қонли фожиалар бутун халқимизда катта ташвиш ва безовталиқ уйғотди. Президентимиз Ислам Каримовнинг яқинда Бухоро вилоятига қилган сафари давомида Қирғизистонда юз берган ана шу воқеалар муносабати билан телевидение орқали билдирган фикр-мулоҳазаларини катта эътибор билан тингладим.

Мен яқин кунларда бу қонли жиноятларнинг тагига етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман, деди Юртбошимиз. Бу хунрезликни амалга оширганлар — булар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими — барча жиноятчиларга жазо муқаррар.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон жанубида содир этилган хунрезликларнинг туб илдишлари, бу қотилликларнинг тагида ётган разил мақсадларга атрофлича тўхталиб ўтди. Буни уюштирган кучларнинг пинҳона ҳаракати четдан туриб икки халқни бир-бирига қарма-қарши қилиш, қон тўкишга олиб келиш, энг ёмони, бу тўқнашувга Ўзбекистонни ҳам қўшиб қўйишдан иборат бўлган, деди Президентимиз. Асосий мақсад-муддао — қандай қилиб бўлса-да, Ўзбекистонда яшаётган ўзбекларнинг жаҳлини чиқариб, шу мудҳиш қирғинга тортишга қаратилган. Ўзбекларнинг қизиққонлигидан фойдаланиб, уларнинг ғурур ва ҳамиятига тегиб, кескинликни авж олдириш кўзда тутилган.

Шуни инобатга олиб, Юртбошимиз ҳар биримизни, барча-барча инсонларни яна бир марта оғирвазмин бўлишга чақирди. Қизиққонлик бу масалада ҳеч қачон, ҳеч қаерда фойда бермаган. Ўзбекистон

ҳеч қачон бундай можарога қўшилмайди, Қирғизистон халқи билан қонли урушга йўл қўймайди, деди мамлакатимиз раҳбари.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўзининг қадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш, ўрناق бўлишга қодир бўлган бунёдкор ва салоҳиятли давлатни, халқ ва миллатни дунё аҳли тан олади, ҳурмат қилади. Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади.

Дарҳақиқат, халқимизнинг илдизлари бақувват, тарихи буюк, келажаги мустақамдир. Бизнинг бошқа халқлардан фарқимиз шуки, бир томондан халқимиз жуда содда, бағрикенг — бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга тайёрмиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз ҳар томонлама бағрикенг халқмиз, ҳамдард халқмиз, ҳамдардликка тайёр халқмиз.

Биз ҳар доим вазмин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга суяниб яшаганмиз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганмиз. Президентимизнинг халқимизни, бутун жамоатчилигимизни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка қаратилган таъсирчан даъватини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Қандай оғир бўлмасин, ҳаёт давом этади, инсон доим яхши кунларга умид қилиб, эртанги кунга ишониб яшайди. Ишончимиз комил, Президентимиз айтганидек, бу мусибатли кунлар орқада қолади, барчамизнинг орзу-ниятимиз бўлган тинчлик-осойишталик албатта қарор топади.

*Шерзод ФУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси раиси
(«Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 22 июнь)*

АДОЛАТ ЭШИГИНИ ОЧИБ, ЗУЛМУ СИТАМ ЙЎЛИНИ ТЎСИБ

Халқимиз энг оғир дамларда ҳам вазминлик билан иш кўрадиган, бошқалардан беғараз ёрдамини аямайдиган бағрикенг, инсонпарвар халқ. Бу ҳақиқат олис ва яқин тарихимиз давомида неча бор ўз исботини топиб келмоқда.

Шу йилнинг 11—15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар оқиба-тида жабр кўриб, юртимиздан паноҳ топган қочқинларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, беминнат ёрдам кўрсатишда халқимизнинг ана шу фази-латлари яна бир бор яққол намоён бўлди. Мана шундай ўта қалтис вазиятда айнан бизнинг Президентимиз, айнан бизнинг халқимиз томонидан оғир-вазминлик билан иш тутилиб, кўрсатилган юксак инсонпарварлик туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, унинг бутун минтақамиз бўйлаб аланга олиб кетишига йўл қўйилмади. Ва бу ҳақиқатни бугунги кунда дунёдаги кўплаб нуфузли сиёсатчи ва таҳлилчилар эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг даъвати асосида ана шу ўтган кунлар мобайнида халқимиз томонидан юртимизда паноҳ топган қочқинларга нисбатан кўрсатилган меҳр-мурувват, амалий ёрдам, ҳамдардлик ҳисларини, албатта, сўз билан тўлиқ ифода этиб бўлмайди. Шу борада бир мисолга эътибор берайлик. Ўша кунлари қочиб келган жабрдийдалар орасида бугунги кунгача 206 нафар ҳомиладор аёл Фарғона водийси туғуруқ-хоналарида эсон-омон кўзи ёриб, фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлди.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик, агарда бу аёлларга вақтида ёрдам берилмаганида, улар ўша

жаҳаннам олови ичида қолиб кетганида, ҳоли нима кечарди? Оналар ҳам, бегуноҳ чақалоқлар ҳам нобуд бўлмасмиди?

Мана, бугун бу гўдаклар соғ-омон дунёга келиб, боши узра ёруғ осмонни кўриб турибди. Ким билади, балки эртага мана шу чақалоқлар орасидан буюк олимлар, файласуф ёки рассомлар, ноёб истеъдод соҳиблари етишиб чиқар? Энг муҳими, ким бўлмасин, бу гўдаклар бир умр эзгуликнинг қандай қудратли куч эканини, айнан шунинг ҳисобидан уларнинг ўзлари ҳам соғ-омон туғилиб, ёруғ жаҳонни кўрганини унутмайди.

Бу биргина мисол. Халқимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга муҳтож инсонларга ўз бағрини очиб, борини баҳам кўришга, бор вужуди билан ёрдам беришга интилиши туфайли юз мингга яқин инсон оғир кунларда мадад топди.

Мен Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати сифатида бу тадбирларда бевосита иштирок этдим, бу борада мамлакатимиздаги марказий ва маҳаллий идоралар вакиллари, Андижон халқи қандай уюшқоқлик билан, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганига шахсан гувоҳ бўлдим. Юртдошларимиз нафақат амалий-моддий ёрдамлари, айти пайтда инсоний меҳру муҳаббати билан жабрланганларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам бўлишга ҳам интилишди.

Мен бир ижодкор, бадиий адабиёт вакили сифатида дунё тарихидаги буюк гуманизм намуналари ҳақида кўп ўқиганман, ўзим ҳам ана шу юксак фазилатлар ҳақида ҳикоялар, мақолалар ёзганман. Лекин буюк инсонпарварликнинг амалий намунасини мана шу кунларда халқимизнинг қочоқларга кўрсатган беғараз ёрдамлари тимсолида кўриб, ҳам ҳайратга тушдим, ҳам шундай улуғ халқ-

нинг фарзанди эканимдан қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлди.

Бугун биз ғоят қалтис, таҳликали замонда яшайпмиз. Қачон қараманг, дунёнинг турли бурчакларида катта-кичик фожиалар содир бўлмоқда. Ва ана шу воқеалар муносабати билан жабрланганларга кўрсатиладиган ёрдам ва кўмак ҳақида турли тадбирлар ўтказилишидан ҳам хабардормиз. Одатда, ана шу воқеалар муносабати билан турли хайрия акциялари, шоулар ўтказилади. Афсуски, уларнинг амалий таъсиридан кўра, улар ҳақидаги шов-шувлар кўпроқ бўлади. Шу маънода, Қирғизистон жанубида содир этилган қонли воқеалар ва улардан жабр чекканларнинг сони ва умуман, бу фожианинг кўламини эътиборга оладиган бўлсак, бизнинг давлатимиз, халқимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, бу қабиҳ фожиани ташкил этган, бошқарган ва йўналтирган кучларнинг разил ниятларига қарши Ўзбекистон, авваламбор, одамгарчилик ва инсонпарварликнинг юксак намунасини яна бир бор намоён этди.

Инсон шаънига мутлақо нолайиқ бундай хунрезликларни уюштирган разил кучлар ўз ниятларига етиш учун яна минг-минглаб одамларни ўлдириш, чақалоқлар, аёллар ва кексаларни нобуд этиш, қанча-қанча уйларни вайрон қилишга тайёр экани, бу йўлда улар ҳеч нарсдан қайтмаслигини, мухтасар айтганда, ўзларининг манфур қиёфасини кўрсатди. Жаҳолат ва ваҳшийликни ўзлари учун касб қилганлар нафақат бир халқ ёки миллатнинг, балки бутун инсониятнинг душманидир. Улар дунёдаги барча халқларнинг эзгу орзуси бўлган тинчлик-тотувлик, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг душма-

нидир. Бундан нафақат юртимиз, минтақамиз халқлари, балки жаҳон ҳамжамияти огоҳ бўлиши лозим.

*Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси
(«Халқ сўзи» газетаси, 29 июнь)*

ЖАҲЛГА ЭМАС, АҚЛГА СУЯНГАННИНГ ЭРТАСИ ЁРУҒ БЎЛАДИ

Ён кўшнимиз Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида разил кучларнинг ўта маккорлик билан узоқни кўзлаб фитна кўзгаши оқибатида қон тўкилди, юзлаб бегуноҳ инсонлар нобуд бўлди, қанча-қанча одамлар уй-жойсиз, бошпанасиз қолди.

Бу мудҳиш қирғин туфайли жабр чеккан минглаб қочқинлар Андижон вилоятининг Хўжаобод, Жалолқудуқ, Пахтаобод, Қўрғонтепа туманларида қабул қилиниб, уларга зарур барча ёрдам кўрсатилди. Меҳри дарё Юртбошимиз, халқимиз яна бир бор юксак бағрикенглик, инсонпарварлик намунасини намоён этди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг мустаҳкам иродаси, қатъияти, донишмандлиги туфайли бутун минтақамизни ўз домига тортиши мумкин бўлган мудҳиш бир фитна, катта бир бало-қазонинг олди олинди. Жаҳлга эмас, ақлга суянганнинг эртаси ёруғ бўлади. Бу ҳақиқатни бугунги кунда нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёдаги ақли расо, виждони бор минг-минглаб инсонлар эътироф этмоқда. Мамлакатимиз, халқимиз тақдирнинг навбатдаги оғир синовидан ёруғ юз билан, ақл-идрок билан чиқа олганини тан олмоқда.

Маълумки, шу кунларда халқимиз Истиқдолнинг 19 йиллиги шодиёнасига катта тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак марраларни эгалладик. Буюк қурилишлар: қадимий Қамчиқ довони узра ишга туширилган халқаро автойўл, мамлакатимиз жанубий сарҳадлари бўйлаб Афғонистон орқали денгиз йўлига уланадиган Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўл трассаси, бир-биридан гўзал ва маҳобатли бинолар, хусусан, пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, равон йўллар, метин кўприклар, шаҳар ва қишлоқлардаги турар-жойлар, янги маҳаллалар, бозорлар, гузарлар, замонавий коллеж ва лицейлар, юзлаб мактаб бинолари — ҳаммаси Мустақиллик шарофати билан бунёд этилди. Ўзбек халқи том маънода яратувчи, бунёдкор экани муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида жаҳонга намоён бўлмоқда.

Фарғона томондан Андижон вилоятига енгил машинада борар экансиз, аввало Марказий Фарғонанинг олтин дарвозаси бўлган Бўз тумани оралаб, Шаҳрихон бўйлаб катта магистрал — Буюк ипак йўлидан юрасиз. Нигоҳингиз — кўзингизни қувонтирадиган, юрагингизни яйратадиган бир-биридан гўзал ва бетакрор манзараларга тушади. Дарҳақиқат, йўл бўйлаб юриб, мустақиллик берган улуғ неъматларни — халқнинг ғайрат-шижоатидан обод шаҳар ва қишлоқларни, замонавий инфратузилма объектларини, ям-яшил далалар, ҳосилга тўла боғларни, ўз меҳнати билан ўз бахтини топаётган шодон чехраларни кўрасиз.

Сиз энди Андижонга кирмоқчи бўляпсиз, юринг, Сизни мен «Ўзбекистон» номли кўчага бошлайман. Сиз аввал ҳам келган бўлсангиз, бу жойларни танияпсизми? Йўқ, танимаяпсиз, мутлақо ўзгариб кетган! Ана, икки-уч қаватли замонавий турар-жойлар,

жамоат бинолари, бозорлар, гузарлар, хиёбонлар, маҳаллалар кишини ҳайратга солади. Шаҳарни бир кезиб чиқайлик. Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Чўлпон номидаги боғ, унинг ҳудудида жойлашган истиқлол куйчиси Абдулҳамид Чўлпон музейи, Болалар боғи, янги бозор мажмуаси, кўплаб спорт иншоотлари, коллежлар, мактаблар, болалар боғчалари ўзгача тароват билан диққатингизни тортади. Май ойида Андижонда ўтказилган «Универсиада-2010» мусобақалари тадбирлари туфайли бу ерда яна қанча қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, жумладан, 31 та объект янгитдан қад кўтарди.

Юртбошимиз яқинда вилоятимизда бўлганида бу ерда амалга оширилаётган улкан ишлар билан танишиб, «Буларнинг барчаси албатта ориятли, янгиликка интилувчи вилоят аҳлининг иши. Бу ерга бутун Ўзбекистондан архитекторларни, қурувчилар, бошқа мутахассисларни чақириб кўрсатиш керак. Давлатимиз вилоятга албатта ёрдам беради. Сиздан — ҳаракат, биздан — баракат деб шунга айтади» дея андижонликларнинг изланувчанлиги, тадбиркорлиги ва бунёдкорлигига юксак баҳо бергани бизни ниҳоятда қувонтирди.

Агар баъзи бир рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, кейинги пайтда қисқа муддат ичида Андижон шаҳрининг ўзида 1 минг 320 та уй-жой қайта қурилиб, таъмирланди, 2010—2011 йилларда яна 716 та уй-жой янгитдан қурилади, қишлоқ жойларда эса 680 та замонавий шинам уйлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятини янада обод, кўркам қилиш мақсадида «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011—2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги

қарорга имзо чекди. Қарорга кўра, вилоятга 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бу улкан лойиҳани амалга ошириш учун албатта моҳир қурувчилар, етук муҳандислар, дизайнерлар керак. Минг шукурки, бундай салоҳиятли кишилар Андижонда минглаб топилади.

Кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли Андижон аҳлининг кайфияти янада кўтарилмоқда, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилиб, бугун янада улкан марраларни кўзлаб яшамоқда.

Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кўплаб фермерларимиз ўз хўжалигида аллақачон замон талабларига мос янгиликлар, илғор тажриба ва технологияларни жорий қилмоқда. Натижада вилоятимизда пахта ва ғалладан мўл ҳосил олинмоқда, шартнома режалари ошириб адо этилмоқда.

Ана шу ютуқларнинг пойдевори, аввало, юрти-миздаги тинчлик-осудалик, эркин ва фаровон ҳаёт эканини барчамиз чуқур шукроналик билан эътироф этамиз. Лекин, афсуски, ён-атрофимизда ана шундай буюк неъматга раҳна солиб, бизни ундан бенасиб қилишга интилувчилар ҳам йўқ эмас. Қирғизистон жанубида содир этилган қонли воқеалар бу манфур кучларнинг жирканч қиёфасини яна бир бор кўрсатди. Улар ўзларининг ёвуз ниятларига етиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслиги, одамлар, миллатлар ўртасига низо уруғини сепишга уриниши аён бўлди.

Биз бундай фитналарга учмаслик учун доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, бугунги ёруғ, тинч-осойишта ҳаётимизни қадрлаб, унинг ҳимоясига доимо тайёр бўлиб яшашимиз керак.

*Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири
(«Хуррият» газетаси, 30 июнь)*

АДОВАТ ЭМАС, АДОЛАТ ЕНГАДИ

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган меҳр-мурувват, кенгфеъллик ва бағрикенглик сингари эзгу фазилатлар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган мудҳиш хунрезликлар оқибатида жабр кўриб, юртимиздан паноҳ топган минг-минглаб қочқинларга беғараз ёрдам кўрсатишда яна бир бор намоён бўлди.

Турли зўравонликларга дучор бўлган, жабр-ситамлارни бошидан кечирган қочқинларнинг ҳикоялари ҳар қандай инсоннинг қалбини ларзага солади. Бундай қонли фожиаларнинг ташкилотчилари, ижрочилари ким, улар қандай манфур мақсадларни кўзлаган, деган, бугунги кунда кўпчилик юртдошларимизни ўйлантираётган саволларга жавоб топиш, бўлиб ўтган воқеаларга халқаро ҳуқуқ талаблари асосида ҳар томонлама ҳаққоний ва холис баҳо бериш ҳақида гап кетар экан, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, бу хунрезликни амалга оширган — булар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими — барча жинойтчиларга жазо муқаррар.

Андижон вилояти касалхоналарида даволанаётган қочқинлар билан суҳбатлашиб, уларнинг воқеалар тафсилоти ҳақидаги гап-сўзларини тинглаб, содир этилган қонли фожиаларнинг даҳшатини яна бир бор ҳис этгандек бўлдик. Албатта, улар ҳақида тўхталиш, бу қонли воқеаларни тасаввур этишнинг ўзи инсоний туйғулардан бегона бўлмаган ҳар қандай одамни чуқур изтиробга солади.

Қирғизистон жанубидан Ўзбекистонга қочиб ўтган бу инсонларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилди. Тиббиёт ходимлари кечаю кундуз тиним билмасдан, мураккаб операцияларни амалга ошириб, минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Психологлар улар

билан доимий мулоқотда бўлиб, руҳий-маънавий жиҳатдан ўзларини тиклаб олишлари учун мадад бўлишиди.

— Мен саккиз йилдан буён шу марказда шифокор бўлиб ишлайман, — дейди Икром Эъзозхонов. — Ҳамкасбларим қарийб ўн сутка давомида уйига кетмасдан, дам олмасдан, оғир ярадорларнинг ҳаётини асраб қолишиди. Мана, ўзингиз кўриб турганингиздек, марказимиз энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

Андижон вилоятига сафаримиз чоғида қочқинларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатган ўнлаб турли касб эгалари билан суҳбатлашдик.

Ўша кунлари «Damas» русумли такси ҳайдовчилари ўз машиналарида қочоқларга кўрпа-тўшак, озиқ-овқатларни бепул ташиб беришган. Халқимизга хос бундай беминнат мурувватлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

«Дунёда энг катта бойлик, энг бебаҳо неъмат тинчлик эканини Қирғизистонда содир этилган фожиалар яна бир бор кўрсатди, — дейди Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги «Кўтарма» маҳалласининг маслаҳатчиси Тожибархон опа Йўлдошева. — Қирғизистондан юртимизга қочиб ўтган оналарнинг юзидаги изтироб, болаларнинг кўзидаги қўрқувни кўриб, юртимизда ҳукм сураётган тинчликка, аҳилликка, фаровон турмушга нисбатан барчамизда шукроналик туйғулари янада кучайди. Мен ўз юртимнинг фарзанди, фуқароси сифатида Президентимиздан ва у кишининг оқилона сиёсатидан фахрландим. 6 нафар фарзанднинг онаси, 14 нафар набиранинг бувиси сифатида уларнинг эртанги кунидан кўнглим тўқ. Бўлиб ўтган воқеалар биздан доимо ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қилади. Мен ўн кундан зиёд Қирғи-

зистондан келган қочоқлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг дардларига шерик бўлдим. Улар бир овоздан бу ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги уруш, жанжал ёки тўқнашув эмас, бу ерда пухта уюштирилган разил кучларнинг қўли бор, деб айтишди...»

«Мустақилликка эришганимизга 19 йил бўляпти. Президентимиз бошчилигида миллатидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи, ҳаёти ҳимояланган давлат яратдик. Тинчлигимизни бутун борлигимиз билан кўз қорачиғидек асраш Қирғизистонда содир этилган воқеалардан чиқарган энг катта хулосамиздир», — дейди «Карнайчи» маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи Баҳодиржон ака Иминжонов.

Биз жабрдийдалар билан суҳбатлар чоғида уларнинг Ўзбекистонга қандай катта ҳавас билан қараётганига гувоҳ бўлдик. Улар, қанийди, бизнинг болаларимиз ҳам сизларникидек замонавий мактаблар, коллежлар, лицейларда ўқишса, таълим олишса, деб ҳавас қилишди.

«Халқимизда: «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деган нақл бор. Давлатимиз раҳбари доимо «Биз буюк халқимиз», деб одамларни яратувчиликка, бунёдкорликка, тинчлик-осойишталикка даъват қиладилар. Ватанимизнинг ёруғ келажаги ва буюклигини таъминлашда ҳал қилувчи куч бўлган фарзандларимизга янада чуқур билим бериш, замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларни юртпарвар, халқпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир», дейди кекса ўқитувчи Ўсарали ака Жўраев.

Сафаримиз давомида юртдошларимиз ва зўравонликлардан азият чеккан қирғизистонлик миллатдошларимиз билан суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, минг йиллардан буён бир тупроқда яшаб, бир дарёдан сув ичиб келаётган халқларнинг орасига

ҳеч қандай куч раҳна сола олмайди. Президенти-мизнинг: «Биз буюк халқмиз. Бундай ўйинларга, қўпоровчилик ҳаракатларига жавобимиз битта — биз ўзимиз қирғизлар билан тил топамиз, бу можароларни ечишга ўзимизнинг қурбимиз, ақлимиз ва тажрибамиз этади», деган даъвати ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан мустаҳкам жой олаётганига андижонликларнинг бугунги кайфияти, улар амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида гувоҳ бўлдик.

Жалолiddин САФОЕВ
(«Миллий тикланиш» газетаси,
30 июнь)

МАРД ЁРДАМГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган фожиаларни эшитган, кўрган ҳар қандай дийдаси қаттиқ одам ҳам чуқур алам ва изтиробга тушиши шубҳасиз.

Бизнинг Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғимиз Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти билан чегарадош. Ўша кунларда жабрланган кўплаб қирғизистонлик ўзбеклар ўз юртини ташлаб, мамлакатимизга қочиб ўтишди. Уларнинг бир қисми бизнинг қишлоғимизга жойлаштирилишини эшитиб, бир гуруҳ ўқитувчилар билан биргаликда улар жойлашадиган ерга етиб бордик. Ана шу фурсатнинг ўзидаёқ бошқарув штаби тузилиб, тизимли равишда иш бошланди.

Айни пайтда уларга биринчи галда зарур бўладиган шароитлар яратилди. Аввало, болалар эмланди, ҳомиладор аёллар аниқланиб, улар учун алоҳида тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Ўша куни кўчиб келганлар жойлашган ён-атрофдаги маҳаллалардан кўрпа-тўшак,

идиш-товоқ ҳамда турли озиқ-овқатлар олиб келган одамларнинг адоғи йўқ эди.

Бир сўз билан айтганда, қишлоғимиз аҳли ҳамжиҳатлик билан жабрдийдаларга кечаю кундуз бағрикенглик, чуқур ҳамдардлик билан ғамхўрлик қилишди. Худудимизда ўз шахсий машиналарида одамларнинг узоғини яқин қилаётган қишлоқдошларимиз беморларга беминнат ёрдам кўрсатиб, уларни касалхоналарга элтишда фаол иштирок этишди.

Ўйлаб қоламан, шу қисқа вақт давомида қилинган ишларни ташкил этиш учун одатда ойлаб тайёргарлик кўрилади. Бу биз учун кутилмаган фавқулодда ҳолат бўлгани учун одамларимизнинг шу заҳотиёқ бирдам бўлиб, сафарбарликка отлангани тезда ўз натижаларини берди: касаллар, яраланганларга зарур ёрдам кўрсатилди, кўпчиликнинг кўнглидан кўрқув-ваҳима аригандек бўлди, уларда эртанги кунга ишонч уйғонди.

Тан олиш керак, фожиадан жабр кўрган бу одамлар ичида «Бизларни қандай қарши олар экан?», деган хаёлдаги кишилар ҳам бўлган экан. Улар ўзларига кўрсатилаётган эътибордан, меҳрибонликлардан беҳад миннатдор бўлиб, кўнглидаги меҳр сўзларини кўз ёшлари билан ифода этишди. Юртбошимизнинг жорий йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига қилган сафари давомида Қирғизистонда содир этилган воқеалар муносабати билан телевидение орқали билдирган фикр-мулоҳазалари намойиш этилганида, уларда эртанги кунга ишонч ва умид янада кучайганини сездик. Ўз юртларига қайта туриб, давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовга, биз — ўзбек халқига ўзларининг чексиз миннатдорликларини қайта-қайта изҳор этишди.

Шу ўринда мен яна бир эътиборли воқеани таъкидламоқчи эдим. Қочқинларга катталар қатори ён-

атрофдаги мактаблар, коллежлар ўқувчилари ҳам жуда катта ёрдам кўрсатди. Бири ошпазга қарашган, бири чой қайнатган, яна бири оғир аҳволдаги қариялар ҳамда аёллар атрофида парвона. Шунда бир ўқитувчи сифатида кенг юртимизда баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган кўламдаги ишларнинг яна бир амалий натижасини кўриб, хурсанд бўлдим.

Президентимизнинг «Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқининг илдизлари бақувват, тарихи буюк, келажаги мустақкамдир. Бизнинг бошқа халқлардан фарқимиз шуки, бир томондан халқимиз жуда содда, бағрикенг — бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга ҳам тайёرمىз. Биз ҳар томонлама бағрикенг халқмиз, ҳамдард халқмиз, ҳамдардликка тайёр халқмиз», деб айтган фикрларининг тасдиғини ўша кунлари маҳалламиздаги ҳар бир инсон тимсолида кўриш мумкин эди.

Биз — зиёлилар бўлиб ўтган воқеалардан тўғри хулоса чиқариб, ҳар қандай разиллик ва хунрезликдан қайтмайдиган, ер юзида жаҳолат ҳамда ваҳшийликни авж олдириш истагида юрган манфур кучларга ўзининг яратувчанлиги, эзгу орзу-мақсадлари, олижаноблиги, ақл-идроқи билан муносиб қарши турадиган фидойи авлодларни тарбиялаб, вояга етаказишга бор куч ва имкониятларимизни сарфлашимиз керак.

*Гулчеҳра ҲОШИМОВА,
Пахтаобод туманидаги
26-мактаб директори
(«Маърифат» газетаси, 30 июнь)*

СИЁСИЙ ВАЗМИНЛИК МОҲИЯТИ

«Тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъматидир, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин, «тинчлик бўлсин», деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмуни нечоғлиқ теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмуни англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадрлари ҳам бўлмайди... Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак».

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласида таъкидлаган ушбу фикрлар бугунги шиддатли ҳаётнинг барча жабҳаларида бирдек долзарб, муҳим ва аҳамиятлидир. Кейинги вақтда Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида содир этилган хунрезликлар оқибатида юзага келган қалтис вазият ҳам буни яққол тасдиқлади. Барчани яна бир бор огоҳликка даъват этди.

Дарвоқе, огоҳлик хусусида икки оғиз сўз. 2010 йил 9 апрель куни матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида Қирғизистондаги воқеалар мамлакатнинг ички иши экани алоҳида таъкидланиб, одамлар қурбон бўлиши ва талафотларга олиб келган қарама-қаршилик, Қирғизистондаги вазиятнинг янада беқарорлашиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазият янада оғирлашишига сабаб бўлиши, давлат ва унинг жойлардаги тузилмалари бошқарувини мураккаблаштириши, қўшни давлатлар билан чегараларда муаммолар юзага келтириши мумкинлигидан хавотир билдирилган, огоҳликка даъват этилган эди. Афсуски, бу хавотирларга етарли эътибор қаратмаслик оқибатида ордан кўп ўтмай, қўшни мамлакатда чинакам нотинчлик юзага келди. Оммавий қотиллик, талон-тарож каби

жиноятларга қўл урилди. Тинч аҳоли, айниқса, болалар ва аёллар, ҳимоясиз одамлар қурбон бўлди.

Жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш ва фуқаролар тенглигини кафолатлаш каби масалаларга бармоқ орасидан қараш иллоти мана шундай салбий оқибатларга олиб келишини Ўш ва Жалолобод воқеалари яна бир карра тасдиқлади.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон, хусусан, мамлакатимиз Президенти давлат чегараларимиз яқинида рўй берган воқеаларга ўта вазминлик, инсонпарварлик ва чуқур ҳамдардлик нуқтаи назаридан ёндашди. Вазиятни қадим тарих тажрибаларидан, мустақил давлатчилик сабоқларидан келиб чиқиб, оқилона баҳолади. Четдан туриб уюштирилган тўқнашувлардан миллий низо ва давлатлараро келишмовчиликларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтарди. Бу — буюк келажак сари муносиб одимлаб бораётган Ўзбекистоннинг чин маънода минтақада барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни сақлашга қаратилган саъй-ҳаракатларининг, бағрикенглик аталмиш улуғ туйғу халқимиз қалбидан нечоғлиқ чуқур жой олганининг намоёниши бўлди. Сиёсий вазминликнинг амалий ифодаси бўлди.

Юртбошимиз Бухоро вилоятига сафари давомида турли соҳа вакиллари билан иборат инсонлар билан учрашди. Шунда бухоролик тадбиркорлардан бири дунёнинг кўплаб етакчи давлатлари раҳбарларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига оид фикрлари хусусида сўз очиб, Ўзбекистон Президентининг бу борадаги ёндашуви, принципал ҳаракатларини қиёсий таққослаб берди. Ҳамма молиявий инқироздан омон қолиш йўллари излаш билан банд бўлган бир пайтда Ўзбекистон Президенти томонидан бу инқирознинг таъсирини юмшатиш, оқибатларини бар-

тараф этиш ва юксак ривожланиш суръатларини сақлаб қолишга доир амалий уринишлар самара бераётганини ўз ҳаёти мисолида таъкидлади.

Бу мулоҳазага Ислом Каримов жуда самимий ва аниқ жавоб қайтарди: — Сиз назарда тутаётган давлат раҳбарлари — сиёсатчилар. Улар президентликка сиёсат орқали келган, ўз фаолиятини шу асосга қуриб, мавқега эришган. Мен эса — иқтисодчиман. Менинг қизиқишим макроиқтисодиётни англаш, унинг негизини, қонуниятларини тўғри тушуниш. Ўзбекистон шароитида макроиқтисодий ислохотларнинг натижаларини амалда юзага чиқариш, келажак қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш масалалари умримнинг мазмунига айланиб кетган, дея таъкидлади.

Чиндан ҳам, бир вақтлар таниқли сиёсий арбоблардан бири ўзининг мураккаб ҳаётий тажрибалари асосида хулоса чиқариб, «сиёсатчи навбатдаги сайловлар ишқида, ҳақиқий давлат арбоби эса келажак авлод ташвишида яшайди», деган эди. Ҳаётга теранроқ қаралса, бундай фикрлар бугун ҳам ўз исботини топаётганини пайқаш мушкул эмас.

Ўзбекистон чегарасига паноҳ излаб келган инсонларга, миллатидан қатъи назар, ҳар томонлама кўмак берилди, хусусан, замонавий шошилиш тиббий-реабилитация марказлари ташкил этилиб, тегишли ёрдам кўрсатилди, етарли даражада озиқ-овқат, маиший шароитлар яратилиб, санитария жиҳозлари етказиб берилди ва транспорт воситалари билан таъминланди. Бу — кўпинча шундай вазиятларда жабрланганларга ёрдам ташкил этиш баҳонасида янграйдиган қуруқ овозаларга берилмасдан, инсон зотига аниқ ва амалий кўмак бера олиш салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлди.

Кўшнинг тинч — сен тинч, деган нақл бор. Биз том маънода шунинг тарафдори эканимизни ва бу йўлда

бор имкониятларимизни сафарбар этиб, тинчлик учун курашиб яшаётганимизни намоён қила олдик. Оқилона сиёсат ва одилона бошқарувнинг меваси тотли бўлиши Ўзбекистон тимсолида яна бир бор ўз исботини топди.

Кейинги кунларда нафақат ўз юртдошларимиз, балки жаҳон ҳамжамияти, айниқса, қўшни Қирғизистон жамоатчилиги ҳам миллатимизга хос бўлган етти ўлчаб, бир кесиш фазилатининг давлат сиёсатида ҳам акс этиб, самара бераётганини эътироф этмоқда. Тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт асосига қурилган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати минтақада кенг кўламли урушнинг олдини олганини баралла тан олмақда. Аксарият хорижий ахборот манбалари ҳам Ўзбекистоннинг, аввало Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистондаги воқеаларга оид пухта ва ҳар томонлама ўйланган қарори кескин вазиятни юмшатишга асос бўлганини, мурсага келиш ва зиддиятни баргараф этишга хизмат қилганини таъкидламоқда.

Хулоса шуки, дўст оғир кунда синалади. Шундай ҳам бўлди. Аслида ўзбек ва қирғиз халқлари қадимдан бир дарёдан сув ичиб яшаган, минг бир ришталар билан ўзаро боғланиб кетган. Тарих синовидан ўтган бундай дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини узишга қаратилган ҳар қандай уриниш натижа бермаслиги аниқ. Бироқ буни ғаразли ниятда теграмизда изғиб юрганлар ҳам англаб етмагунича хотиржамликка берилмаслик керак.

Ф. КАРИМОВ

(«Халқ сўзи» газетаси, 1 июль)

ХАЛҚ МЕҲРИНИНГ ҚУДРАТИ

Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан уюштирилган шафқатсиз қирғин, талон-тарож ва хунрезлик Ўзбекистон халқини ларзага солди. Жабрдийдаларнинг бошига тушган кулфатни батафсил ёзишга қўл бормади, қоғоз ҳам дош бермади. Қадим Ўш шаҳри ўз тарихида не-не босқинларни бошидан кечирмаган, ammo бундай ёвузликни кўрмаган эди, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Минг-минглаб одамлар, қариялар, ҳомиладор хотинлар, қўлида чақалоғини кўтарган аёллар, болалар ва ярадорлар босқин ва зўравонликлардан Ўзбекистон ҳудудида паноҳ топди.

Тинч аҳолига нисбатан уюштирилган бу қирғин жаҳон жамоатчилигини ташвишга солди. Бу ваҳшийликларни содир этаётганларга нисбатан қалбларда ғазаб ва нафрат туйғулари кўзгалди. Очиғи, бундай таҳликали вазиятда қизиққонликка берилиб, кескин чоралар кўрилишини истаётганлар ҳам йўқ эмасди. Минглаб одамларнинг тақдири айнан Ўзбекистоннинг қандай қарор қабул қилишига боғлиқ эди. Албатта, бундай оғир пайтда бир оғиз ўйланмай айтилган сўз тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас эди.

Ана шундай ўта мураккаб бир вазиятда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу даҳшатли воқеа ортида қабих кучлар тургани, улар қандай ёвуз мақсадларни кўзлаётгани ҳақида фикр билдириб, Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позициясини аниқ баён қилиб берди.

Энди ўйлаб кўрайлик, агарда Ўзбекистон ана шу фитнага учиб, бошқача йўл тутганида нима бўлар эди? Бутун минтақамизда уруш алангаси авж олиб, ҳеч ўчмас олов домига тортилар эдик. Бунинг оқибатини

ўйлашнинг ўзи даҳшатдир. Уруш-жанжал бошланган жойдан қут-барака қочади, минг-минглаб одамлар ўзаро низою адоватларга берилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу фитнани бошлаган қабиҳ кучларга эса айнан шу керак эди.

Бироқ халқимиз Президентимизнинг фикрларини қўллаб-қувватлади, жаҳлга, эҳтиросга эмас, балки ақл-идроққа таяниб иш юритди. Бу энг тўғри ва оқилона йўл бўлганини бугунги кунда бутун дунё эътироф этмоқда. Энг муҳими, ҳаётнинг ўзи ҳам буни амалда исботламоқда.

Албатта, содир этилган қонли жиноятларнинг сабаблари, ташкилотчилари ва ижрочилари ҳали чуқур ўрганилиб, барча айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак. Бу нафақат ўзбек ва қирғиз халқларининг, балки эзгуликни ўз ҳаётининг бош мақсади деб биладиган бутун инсониятнинг талаби, десак, хато бўлмайди.

Бу фожиали воқеаларнинг акс садоси барчамизнинг юракларимизни титратиб, изтиробга солган таҳликали кунларда халқимизнинг бағрикенглиги, инсонпарварлиги, тинчликсеварлиги яна бир бор намоён бўлди. Андижон аҳли ўз бағрига олган қочқинлар билан суҳбатлар давомида уларга ҳамдард бўлган ва астойдил ёрдам кўрсатган ҳамюртларимизнинг олижаноб ишлари ҳақида эшитиб, бунга яна бир бор иқрор бўлдик.

Одатда ёрдам сўраб, ҳимояга муҳтож бўлиб келган одамда, ҳатто у қариндошингиз бўлса ҳам, қандайдир тортиниш, хижолат ва андиша бўлади. Қирғизистон фуқаролари ҳам бошида шундай ўйларга боришганини яширишмади. Аммо ватандошларимиз уларни уюшқоқлик билан, бағрикенглик билан кутиб олгани, борини улар билан баҳам кўргани, чин дилдан куюниб, меҳр-оқибат кўрсатганини миннатдор бўлиб айтиб беришди.

Ҳимоя сўраб Ўзбекистон худудига ўтган кўпчилик оналарнинг кўлида бир ҳафталик ёки бир ойлик чақалоғи бор эди. Шунингдек, яна қанчалаб ҳомиладор аёллар бўлган. Ўз зурриётларини асраб қолиш учун Ўзбекистонга — улар учун ҳақиқий нажот маскани бўлиб кўринган масканга талпинган бу муштипар оналарни Ватанимиз бағрига босиб, уларнинг фарзанду зурриётларини соғ-омон сақлаб қолди. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистон бу болалар, бу оналар тимсолида келажакни сақлаб қолди. Дунёда меҳроқибат, ор-номус, инсонийлик деган азалий тушунчалар, аждодларимиз томонидан миллий ўзлигимиз даражасига кўтарилган бетакрор қадриятлар пойидор эканини амалда кўрсатди.

Туғруқхонада фарзанд кўрган ёш оналар билан суҳбатлашдик. Одинахон Толипова қиз кўрибди. Унга Сарвиноз деб исм кўйибди. Раъно Нурматова фарзанд кўрганига тўрт кун бўлибди. Ҳали исм кўйишга улгурмабди. Зарифахон Аҳмедованинг биринчи фарзанди ҳам юртимизда кўз очибди. Яхши ният билан ўғлининг исмини Исломбек кўйибди.

«Ўзбекистон халқига, Президентига мингдан-минг раҳмат, — дейди у. — Бизнинг ҳаётимизни, ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолгани учун Оллоҳдан уларга фақат яхшилик тилайман!»

Ҳассага таянган қариялар, аравачадаги ногиронлар, болалар ва ўсмирлар, турли даражада жароҳат олган ярадорларга тиббий, руҳий ёрдам кўрсатилди. Минглаб одамларни қабул қилиш, жойлаштириш, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш, хавфсизлигини ҳимоя қилиш осон иш эмас, албатта. Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг маълумотига кўра, жабрдийдаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун 1000 нафардан зиёд шифокор ва ҳамшира, 65 та тез тиббий ёрдам

машинаси сафарбар этилган. Ҳаммаси бўлиб 63 минг кишига тиббий ёрдам кўрсатилган. 2700 нафар киши стационар тартибда даволанган. 200 нафардан зиёд ҳомиладор аёл соғ-саломат фарзанд кўрган. 38 мингдан ортиқ бола полиомиелитга қарши эмланган.

Андижон вилояти ҳокимлигида қочоқларга ёрдам бўйича махсус ҳисоб рақами очилиши билан юридик ва жисмоний шахслардан узлуксиз маблағлар туша бошлаган. Бундан ташқари, турли корхона, ташкилот ва фуқаролардан ихтиёрий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, бошқа зарур жиҳозлар тегишли манзилларга етказиб берилган. Кимки нима олиб келган бўлса, рўйхатдан ўтказилиб, тегишли тартибда тарқатилган. Ҳомийлик, саховатпешалик қилган одамлардан айримлари билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Аммо рўйхатда кимнингдир исми шарифи ўрнига аксарият ҳолларда номаълум шахс деб ёзилганини кўрдик. Шунинг ўзиёқ кўрсатилган барча ёрдамларнинг қанчалик беғараз ва чин дилдан бўлганидан далолат беради. Бу қадар олижаноблик ва мурувватга фақат ҳақиқий мард инсонлар қодир бўлади.

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Абдувоҳид Нурматовнинг айтишича, хонободлик бир отахон тўйга деб боқиб юрган сўқимини сотиб, пулини жабрланганларга тарқатибди. Кимдир қўй, кимдир қорамол етаклаб келган. Кимдир гуруч, кимдир кўрпа-тўшак, кимдир нон олиб келибди. Ҳатто талабалар йиғиб юрган стипендиясини ёрдам учун келтирибди. Пахтаобод тумани Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганимизда ҳам бундай мисолларни кўплаб айтиб беришди.

«Дастлаб 12 июнь куни кечга томон 787 кишини қабул қилган эдик, икки кун ичида уларнинг сони 2 минг 381 кишига етди. Аҳолига вазиятни тушунтир-

ганимизда ҳамма оёққа турди. Ҳатто мактаб ва коллеж ўқувчилари ҳам кечаю кундуз ёрдам беришди. Била-сизми, ҳатто товуқ кўтариб келганлар ҳам бўлди, — дейди тўлқинланиб фуқаролар йиғини раиси Қодир-жон Собиров. — Ҳар куни юзлаб одамлар келиб, биздан нима ёрдам, нима хизмат деб турди. Тўғриси, халқимизнинг бундай жонфидолиги, бундай бағрикенглигидан тўлқинланиб кетдим. Набижон деган сартарош йигит сартарошхонани қулфлаб, сумкасини кўтариб қочоқлар лагерига етиб келди. Уч кун эртаю кеч шу ерда бўлиб, болалар ва эркакларнинг сочини олди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Халқ — денгиздир, халқ — кучдир, халқ ҳамма ишга қодирдир, деган сўзларнинг исботини мана шу кунларда амалда кўргандек бўлдим».

Андижоннинг шоҳқўчасидан кетяпмиз. Йўллар четидаги турфа гуллар, киприкдек тизилган ям-яшил арчалар, ён-атрофдаги бир-биридан гўзал биноларга қараб баҳри дилингиз очилади.

Бизга ҳамроҳ бўлган вилоят ҳокимлиги вакили шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Гап орасида вилоят буғдой топшириш бўйича давлат шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажарганини айтиб ўтди.

Бағрикенг, юраги тоза, орзу-ниятли инсонларнинг омадини Худо беради, деган фикр хаёлимиздан кечди. Ва беихтиёр тинчлик-тотувлик дунёдаги энг буюк неъматлардан бири эканига имон келтирдик. Айни вақтда бу бойликни қадрлаш, асраш ва ҳимоя қилиш масъулияти борлиги, бунинг учун барчамиз доимо огоҳ бўлиб, унинг ҳимоясига шай бўлиб яшашимиз зарурлигини унутмаслигимиз шартлигини ҳам яна бир бор чуқур англадик.

Сафар ОСТОНОВ
(«Ўзбекистон овози» газетаси, 1 июль)

«СИЗЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ, ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ...»

Андижон вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев билан бундан бир ойча олдин Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида кўришган эдик. Бу сафар Андижон шаҳрида учрашдик. Назаримизда, бироз қорайиб, кўзлари киртайиб, сочларининг оқи яна ҳам қуюқлашгандек. Чиндан ҳам, июнь ойи андижонликларга, шу жумладан, касаба уюшмаси раҳбарлари ва фаолларига ҳам осон бўлмади. Улар 11—25 июнь кунлари мудҳиш бир фожиа оқибатлари билан юзма-юз келишди. Ўзбек ва қирғиз халқи ўртасига раҳна солиб, икки қўшни давлатни ўзаро уруш оловига тортмоқчи бўлган ёвуз кучларнинг Қирғизистоннинг жанубий вилоятларида яшовчи ўзбекларга нисбатан тажовузидан қочиб келган юз минглаб инсонларни бағрига босиб, уларнинг дардига малҳам бўлишди.

«13 июнь куни Хўжаобод тумани «Полимер» заводи ҳудудидаги очиқ майдонга 30 та палатка ўрнатилиб, 2 минг 382 нафар Қирғизистон фуқароси жойлаштирилди, — дейди Қодиржон ака оғир тин олиб. — Экини йиғиштириб олинган майдондаги қатор қилиб ўрнатилган палаткалар орасидан ўтиш учун қолдирилган ўнқир-чўнқир йўлакни равон йўлга айлантириш керак эди. Андижондаги «Бебаҳо» масъулияти чекланган жамият раҳбарини танир эдим. Қурувчилар 5,5 миллион сўмлик бетон плиткаларни шағал-қуми билан етказиб беришди. Кечаси соат ўн иккилардан бошлаб ён-атрофдаги аҳоли, фуқаролар йиғинлари фаоллари билан палаткалар оралиғига қум-шағал тўкиб, плиткаларни териб чиқа бошладик. Эртаси куни

эрталабгача тайёр бўлган бу йўлаклардан турли халқаро ташкилотлар ва элчихоналарнинг вакиллари, хорижий журналистлар ўтиб, ҳар бир палаткага кириб чиқишди. Ҳақиқий аҳволни ўз кўзлари билан кўришди. Ўзбекистоннинг бу масалада тутган йўлини тушуниш имкониятига эга бўлишди».

Таъкидлаш керакки, Президент Ислом Каримов Қирғизистоннинг жанубий вилоятларида юз берган воқеаларга нисбатан Ўзбекистон давлатининг қатъий позициясини бу воқеалар содир бўлган дастлабки кунлардаёқ аниқ-равшан баён этди. Бу позиция дастлаб мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида ўз ифодасини топди.

16 июнь куни Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун билан, 17 июнь куни эса АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон билан телефон орқали мулоқотларида давлатимиз раҳбарининг мазкур фожиага халқаро ҳам-жамият эътиборини жалб этишга қаратилган амалий ҳаракатлари Андижон халқининг ҳам, муваққат лагерларда паноҳ топган жабрдийдаларнинг ҳам руҳини кўтарди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан қирғизистонлик жабрдийдаларга ёрдам бериш учун очилган махсус ҳисоб рақамига 500 миллион сўм ўтказиб берилди. Фожианинг биринчи кунёқ Пахтаобод туманидаги қочқинлар жойлаштирилган манзиллардаги Қирғизистон фуқаролари 1000 комплект кўрпа-тўшак, 2 миллион сўмликдан зиёд ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари ходимлари имкон даражасида ўз уйларидан кийим-кечак, санитария-гигиена буюмларини олиб келишди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши 200 минг сўмлик болалар кийим-кечагини етказиб

берди. Касаба уюшмалари фаоллари Пахтаобод тумани ва Хонобод шаҳрида кечаю кундуз навбатчилик ташкил этишиб, жабр кўрган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлдилар. Қирғизистон фуқаролари ватанига қайтган, вазият изга тушиб бораётган шу кунларда ҳам касаба уюшмалари фаоллари чегара туманларидаги аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

«Андижонликлар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалол-обод вилоятларидаги ўзбеклар билан азал-азалдан эту тирноқ бўлиб яшаб келишган, — дейди вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Гулнорахон Абдуллаева. — Бирининг қизи у томонга келин бўлиб тушган, бири келин бўлиб келган. Шунинг учун ўшликларнинг қўлига битта тикан кирса, бизнинг жонимиз оғрийди. Президентимизнинг шу йил 18 июнда Бухоро вилоятига сафари давомида телевидение орқали берган ва дунё ҳамжамияти томонидан ҳозир ҳам қизгин муҳокама этилаётган баёноти айни пайтда ҳар икки томон аҳолиси учун катта руҳий мадад бўлди.

Андижон вилоят шошилинич тиббий ёрдам шифохонасининг 2-травматология бўлимида ўшлик Иброҳимжон Йўлдошев деган йигит билан суҳбатлашганимизда, у шундай фикр билдирди:

«Ўшнинг Бозоржойга туташ маҳалласида яшайман. Учта фарзандим бор. Шу йилнинг 11 июнь куни кўчамизнинг у бетидаги кўпқаватли уйларда биринкетин газ баллонлари портлаб, ёнғин чиқа бошлади. Туташ маҳаллаларга ўтмасин деб ёнғинни ўчириб юрганимизда, босқинчилар қирғини бошланди...

Қочиб кетаётганимда чап оёғимнинг болдирини ўқ тешиб ўтди... Ўзбекистонлик шифокорларга раҳмат. Чўрт синиб, шалвираб қолган оёғимни тузатишди.

Қаранг, бармоқларим ҳам ишлаяпти. Тошкентдан профессор келиб кўрди. Дори-дармон етарли, камчилик йўқ. Шу бўлимнинг ўзида 24 нафар ўшлик ярадор ётибмиз. Ўзбекистон халқига миннатдорчилигимизни айтиб адо қилолмаймиз. Фақат бу жиноятни содир этганлар жазога тортиладими, деган савол бизни қийнайди. БМТ вакиллари, чет эл журналистлари келганда ҳам шу талабни айтдик».

Шифохонанинг бошқа бўлимларида даволанаётганлар ҳам шундай фикрда.

Аллақулова Турсуной — 1925 йили Қирғизистоннинг Ўш шаҳри Аравон туманида туғилган. Нафақада. Содир бўлган тўс-тўполонда жигари эзилиб шикастланган. Қизи Раънохон қарашиб турибди. Ўғли қирғиз қизига уйланган. Қирғизлар билан қуда-анда бўлиб кетишган. Қочиб, қудалари ёрдами билан Ўзбекистон чегарасига келишган. Раънонинг айтишига қараганда, бу қирғизларнинг иши эмас. Бундай хунрезликни пухта тайёргарлик кўрган, миллати бетайин, дин-имондан Мосуво кишиларгина қилади.

Муҳамедов Миролимжон — Ўш шаҳридан, ўзбек, Ёшлик кўчаси 85-уйда яшайди. Ўз уйини ҳимоя қилиш учун кўчага чиққанида елкасидан ўқ еган. Шериклари ёрдамида Ўзбекистон чегарасига олиб келинган. Андижон давлат тиббиёт институти профессорлари унинг елкасидан ўқни олиб ташлашган. Ҳозир саломатлиги яхши.

Биз унинг қўлидаги китобнинг қандай китоб экани билан қизиқдик. Маълум бўлишича, Юртбошимизнинг Бухоро вилоятига сафари чоғида телевидение орқали берилган баёноти «Андижон» нашриётида «Биз ҳар томонлама бағрикенг ва ҳамдард халқмиз» деган ном билан чоп этилган экан. Унинг Миролимжон ўқиётган саҳифасидаги мана бу сўзлар кишини чуқур ўйга толдиради:

«Хориждаги айрим чиқишларда бу воқеаларнинг туб сабабини қидирмаслик керак, деган фикрлар билдирилмоқда. Бу масала бўйича ким айбдор, нима учун бу воқеа содир бўлди, деган савол камдан-кам берилмоқда. Уларнинг фикрича, бу фожиа ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршиликдан иборат эмиш».

Чиндан ҳам, масалага юзаки ёндашаётган чет элдаги айрим ҳамкасбларимизнинг бундай фикрлари «Қўпоровчиликни уюштирган, ундан манфаатдор бўлган кучлар»нинг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарса эмас.

Фожиа кунлари воқеаларнинг энг қайноқ нуқтаси бўлган Хўжаободга бораётиб, шулар ҳақида ўйладик. Дарвоқе, бу мудҳиш хунрезликдан икки ҳафтача олдин — 26 май куни Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига келганда Хўжаободдаги савдо мажмуасини бориб кўрган, уни барпо этган инсонларга миннатдорлик билдириб, қишлоқда турмуш маданиятини янада ривожлантиришга доир маслаҳатлар берган эди. Бизнингча, Президентимизнинг Андижонда, эртаси куни Фарғона вилоятида бўлиши, турли учрашув ва мулоқотларда билдирган таклиф-мулоҳазалари водий аҳолисини катта бунёдкорлик ишларига рағбатлантирибгина қолмасдан, уларни ҳар қандай вазиятда ҳам вазминлик билан, ўз салоҳияти, ўз кучига суяниб яшашга даъваткорлик руҳи билан йўғрилган эди.

Ана шундай самимий даъват фожиа кунлари ҳамма жойда, жумладан, Хўжаободда ҳам барчага — хоҳ у оддий фуқаро, милиция ходими ёки чегара посбони бўлсин — ҳаётий дастуриламал бўлганини бизга гапириб беришди. Шунинг учун Хўжаобод қирларидан чегаранинг нариги томонида яққол кўриниб турган

қишлоқларда портлаш ва ёнғинлар юз берганда, минг-минглаб аёллар, қариялар, болалар ялангоёқ паноҳ истаб абгор ҳолда келганда ҳам, юртдошларимиз сабр-тоқат, ақл-идрок билан халқимизга хос мардона вазминлик хислатларини намоён этдилар.

«Чидаб бўлмас эди, лекин чидадик. Ислом ака айтганидек, оқибатини ўйлаб иш тутдик», — деган мазмундаги гапни сафар давомида турли одамлардан жуда кўп марта эшитдик.

Янгибоева Маҳмудахон — шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш касалхонасининг Хўжаобод туман бўлими шифокори:

«Полимер» заводи ҳудудида палаткага жойлаштирилганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун шу куниёқ пункт ташкил этилиб, керакли асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланди. Қочқинлар шифокорлар кўригидан ўтказилди. Ёш болаларни полиомелит ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмлаш бир кунда тугалланди. Аҳволи оғир беморлар — улар ҳам анчагина эди — пешма-пеш туман ва вилоят шифохоналарига жўнатиб турилди. 18 нафар ҳомиладор аёл рўйхатга олинган эди, шундан 8 тасининг кўзи ёриди. Улар ўз вақтида туғруқхоналарга етказиб борилиб, керакли ёрдам кўрсатилди. Гўдаклар соғлом туғилди. Оналарнинг соғлиги, руҳий ҳолати назоратга олинди. Эсон-омон қутулган аёлларнинг шукронасини эшитсангиз эди...»

Андижон вилоятининг бошқа туманларида, Фаргона ва Наманган вилоятларида ҳам Қирғизистондан ўтган фуқароларнинг 14 ёшгача бўлган фарзандлари полиомелитга қарши эмланди. Биргина Қувасой шаҳрида 2014 нафар бола шолга қарши эмланди. Шаҳар туғруқхонасида 8 нафар аёлнинг кўзи ёриди ва улар тегишли ёрдам билан уйларига кузатилди.

Убайдуллаева Шоирахон — Жалолқудуқ туман Ёрқишлоқ кўптармоқли поликлиникасининг бўлим мудираси:

«Қирғизистонлик ўзбекларни кузатиб, энди-энди чарчоқларимиз ёзилгандек бўляпти ва бу воқеалар ҳақида ҳар томонлама чуқур мушоҳада қилиб кўриш вақти келди. Ўшнинг Каттақишлоғидан Абдулазизхон деган отахонни даволаган эдик. У киши юролмас экан. Ўзи аравачада-ю, кўксини оппоқ соқол тўлдирган, нуруний қиёфада гулдурос овоз билан: «Ўзбекистонга раҳмат! Ислом Каримовни Оллоҳ паноҳида асрасин! Андижонликларга минг раҳмат!», — деб кузатувчиларнинг ҳам, чегаранинг нариги томонидаги кутиб олувчиларнинг ҳам руҳини кўтариб, биз билан хайрлашгани шундоқ кўз ўнгимда турибди. Шу отахон касалхонадан чиқаётганида бир гапни айтиб қолди:

«Пойдевори баланд, пишган ғишдан икки қаватли иморат солган эдим. Ўзимча, уйим — мустаҳкам кўрғонимга ҳеч ким дахл қилолмайди, деб ғурурланиб юрар эдим. Лекин бош кўрғонинг — давлатингнинг пойдевори бўш бўлса, қонун деган нарса ишламаса, ҳаммаси бир пул экан. Нима учун бир умр йигиб-териб қурган иморатим бир соатда кул бўлганининг сабабини мана энди тушуниб ўтирибман. Сизлар Ўзбекистоннинг, Ислом Каримовнинг қадрига етинглар».

Бу гапларни эслаётганимнинг сабаби шуки, турмуш ўртоғим ҳам шифокор, эл ичида юрамиз, мана шу воқеалар ҳамқишлоқларимиз учун ҳам катта бир мактаб бўлди. Улар соғлиқ ҳам, бойлик ҳам, орзу-ҳавас ҳам тинчлик-хотиржамликнинг орқасидан келади, деган хулосани ўз бошларидан ўтказдилар, юракдан ҳис этдилар».

*А. АБДУРАЗЗОҚОВ, Д. МАДИЕВ, У. ИБОДИНОВ,
«Ishonch» газетасининг махсус мухбирлари
(«Ishonch» газетаси, 1 июль)*

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПИШИ КЕРАК — БУ БАРЧА ВИЖДОНЛИ ИНСОНЛАРНИНГ ТАЛАБИ

Қирғизистон жанубида юз берган, инсон боласи тасаввур қилиши мушкул бўлган қонли воқеаларнинг янада аланга олиб, бутун минтақамизни ўз домига тортадиган кенг миқёсдаги фожиага айланиб кетмаслиги учун Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида давлатимиз, халқимиз томонидан қандай катта ишлар амалга оширилганига сўнги кунларда барчамиз гувоҳ бўлдик.

Ҳеч шубҳасиз, Юртбошимизнинг мана шу ниҳоятда оғир ва мураккаб вазиятда ягона тўғри ва оқилона қарорни қабул қила олгани ҳақида ҳали жуда кўп ёзилади, таҳлил қилинади. Аслида бундай холисона эътирофлар дунёдаги нуфузли сиёсатчи ва экспертлар томонидан ҳозирнинг ўзидаёқ билдирилмоқда.

Кембриж университети профессори, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси жаноб Сидхарт Саксенанинг Президентимизга йўллаган мактубидаги куйидаги сўзлари фикримизга далил бўла олади: «Бундай мусибатли дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намоён қилди, Сизнинг тезкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маёғи эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоҳада юритишни яна бир бор намоён этдингиз. Сиз ўз куч-ғайратингиз ва ресурсларингизни жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишни таъминлашга сафарбар қилдингиз. Том маънодаги йўлбошчилик-

нинг асл моҳияти мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилатингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади».

Шуни таъкидлаш керакки, даҳшатли воқеалар ҳақида эшитган ҳар бир юртдошимизнинг қалбида биринчи кунларданоқ бу мудҳиш жиноятларнинг ташкилотчилари ким, ижрочилари ким, улар нима учун жазосиз қолмоқда, деган ҳақли саволлар туғилган эди. Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига сафари давомида бу масалага алоҳида тўхталиб, «Мен яқин кунларда бу қонли жиноятларнинг тагига етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман» деб айтган фикрлари кўпчиликни қийнаётган саволларга ўзига хос жавоб бўлди.

Маълумки, жорий йилнинг 27 июнь куни Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган референдум натижаларига мувофиқ Роза Отунбоевага ўтиш даври Президенти ваколати берилди. Юртбошимизнинг шу муносабат билан Р. Отунбоевага йўллаган табрик телеграммасида ҳам содир этилган оммавий қирғин ва хунрезликлар юзасидан мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида ҳолис ва адолатли тергов олиб бориш зарурлиги принципиал масала тарзида ўртага қўйилгани ниҳоятда эътиборлидир.

Қирғизистондаги фожиали воқеалар оқибатида юртимиздан паноҳ топган жабрдийдаларга инсонпарварлик ёрдами, меҳр-оқибат кўрсатиш жараёнида юзлаб зиёлиларимиз қатори бевосита иштирок этган биз — шоир ва ёзувчилар бу ташаббусни нафақат Қирғизистон, нафақат минтақамиз, балки бутун ер юзида жаҳолатнинг илдизини қирқиш, эзгуликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасидаги халқимиз иродасининг ифодаси сифатида қабул қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Чунки одамзот бу дунёда адолат, ҳақи-

қат борлигига ишониб яшайди. Шу ишонч унга куч-қувват бағишлайди, барча эзгу ишларига мадад беради.

Шунинг учун жиноятчилар, уларнинг ортида турган ташкилотчи ёвуз кучлар албатта жазо топиши керак — бу виждонли, ақли расо, келажакни ўйлайдиган ҳар бир инсоннинг талабидир.

*Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири
(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетаси, 2 июль)*

БАРЧА ЖИНОЯТЧИЛАР ҚОНУНИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛИШИ ШАРТ

Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида ҳаммамизнинг қалбимизни оғир изтиробга солган, инсонийликдан мутлақо йироқ ёвуз кучлар томонидан содир этилган машъум фожиалар рўй берган кунларда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан бирга биз дастлаб Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги Ёрқишлоққа етиб бордик.

Юртимиз далалари олтиндек товланиб, етилган буғдойлар ўроққа кирган палла. Чегаранинг у томонида, Ўнадир қишлоғидаги жабрдийдаларнинг ёндириб юборилган уйларида бурқсаб чиқаётган тутун, жовдираб турган юзлаб ёш болалар, муштипар оналар, ҳомиладор аёллар, қариялар, ногирон ва ярадорларнинг кўзларидаги даҳшатли кўрқув... Сарҳаднинг бу томонида эса бизнинг далаларимизда шовуллаб турган ғаллазор... Бу икки хил манзара тинч, осойишта ҳаёт билан мудҳиш қирғин ўртасидаги, вайронкорлик ва бунёдкорлик ўртасидаги кескин тафовутни яққол кўрсатиб турарди.

Биз икки ҳафтадан зиёд вақт давомида ана шу қиргиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган муваққат лагерларда бўлиб, давлат ва жамоат идоралари вакиллари, тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда таърифига қалам ожизлик қилдиган оғир мусибатни бошидан кечирган, яқинларидан, уй-жойидан, мол-мулкидан жудо бўлган инсонларга қўлимиздан келганича ҳамдард бўлиб, уларга таскин бериб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик.

Улар билан бўлган изтиробли суҳбатларда Ўзбекистон халқига, унинг раҳбарига миннатдорлик туйғулари билан бирга, бу жафокаш одамларнинг дилини ўртаётган аччиқ бир саволни сездик. Яъни, уларнинг барчаси, ана шу қабиҳ жиноятни ташкил этган, босқинчи тўдаларни уюштириб, маблағ ва қурол билан таъминлаган, бу қотилларни тинч аҳолига қарши йўллаган кучлар ким, уларга жазо борми, деган саволни қайта-қайта такрорлар эди.

Президентимизнинг Қирғизистон Республикаси ўтиш даври Президенти Роза Отунбоевага йўллаган телеграммасида Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли ва ғайриинсоний воқеалар юзасидан мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида холис ва адолатли тергов ўтказилиши зарурлиги, бу ўз навбатида кўп асрлардан буён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намоён этиши алоҳида таъкидлангани бу мураккаб масалани амалий жиҳатдан ечишга қаратилган яна бир қадам бўлди.

Биз, Ўзбекистон ёзувчилари, ижодкор ёшлар давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Токи бу фожиали кунлар орқада қолиб, ҳеч қачон қайтарилмасин.

Барчамизнинг эзгу орзумиз бўлган тинчлик-осойишталик ва барқарорликни бутун минтақамизда мустаҳкамлаш, бўлиб ўтган воқеалардан жабр чеккан минг-минглаб инсонларга нисбатан адолатни қарор топтиришга эришишнинг асосий шарти ҳам ана шундан иборат, деб ўйлаймиз.

*Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири
(«Халқ сўзи» газетаси, 2 июль)*

**УЗБЕКИСТАН:
ПРОЯВЛЕНИЕ ВЫСОКОГО
ДУХА ГУМАНИЗМА**

МУЖЕСТВО — ЭТО УМЕНИЕ ТЕРПЕТЬ, ПРЕВОЗМОГАЯ ДУШЕВНУЮ БОЛЬ, НО НЕ ДОПУСТИТЬ КРОВОПРОЛИТИЯ

ЗАЯВЛЕНИЕ МИД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Общественность и народ Узбекистана выражают огромную тревогу и озабоченность в связи с событиями, происходящими в последние дни на юге Киргизии в г. Ош.

Безнаказанные факты убийств, насилия, погромов, поджогов и грабежей мирного населения, совершаемые со стороны бандитских группировок на улицах и в домах г. Ош, не могут не вызывать чувства возмущения со стороны всей мировой общественности.

Особенно чувство нетерпимости и серьезную тревогу вызывает то обстоятельство, что все эти носящие массовый характер убийства, грабежи и поджоги домов имеют место по отношению к узбекской диаспоре, проживающей в г. Ош и Ошской области.

Есть все основания для вывода, что подобные действия носят организованный, управляемый и провокационный характер, имеют далеко идущую цель — спровоцировать межнациональное противостояние, создать невыносимые условия для представителей национальных меньшинств, проживающих на юге Кыргызстана.

У нас нет никаких сомнений, что все это совершается при подстрекательстве сил, интересы которых абсолютно далеки от интересов кыргызского народа.

Все, что сегодня происходит в г. Ош, ни в коей мере не отвечает традиционным многовековым,

испытанным историей отношениям дружбы и сотрудничества между представителями всех наций и народностей в Кыргызстане.

Мы выражаем уверенность в том, что много испытавший и много видевший народ Кыргызстана и его здоровые силы имеют достаточно мудрости и жизненного опыта для того, чтобы остановить разгул преступности и беспредела для стабилизации обстановки в стране и обеспечения мирного и благополучного будущего многонационального народа Кыргызстана.

14 июня 2010 г.

ИНФОРМАЦИОННОЕ СООБЩЕНИЕ
о телефонном разговоре
Президента Республики Узбекистан
Ислама Каримова
с Генеральным секретарем ООН Пан Ги Муном

16 июня сего года состоялся телефонный разговор Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова с Генеральным секретарем ООН Пан Ги Муном.

В ходе беседы глава Узбекистана подробно изложил конкретные данные, цифры и факты, которые свидетельствуют о безнаказанных убийствах, насилии, погромах и поджогах, совершенных бандитскими организованными группировками по отношению к мирному, прежде всего узбекскому, населению в последние дни на юге Кыргызской Республики, в городе Оше и Джалалабадской области.

Количество жертв исчисляется сотнями, а пострадавших, получивших ранения, — тысячами мирных граждан узбекской национальности.

После обращения мирного населения и руководителя временного правительства Кыргызстана Р. Отунбаевой граница Узбекистана была открыта для приема беженцев, число которых, в основном женщин, детей и стариков, на сегодня превышает 70—80 тысяч человек. Что, в свою очередь, требует принятия особых мер оказания им прежде всего медицинской, лекарственной помощи и обеспечения всем необходимым.

Для беженцев созданы и создаются все необходимые условия: больные, а также беременные женщины размещены в больницах, оказывается профилактическая медицинская помощь всем нуждающимся, создаются бытовые условия, обеспечивается трехра-

зовое питание. Положение осложняется прежде всего большим наплывом беженцев, их физическим и стрессовым состоянием.

Президент Республики Узбекистан еще раз подчеркнул, что помощь, пока еще только предлагаемую со стороны структур ООН и отдельных государств, необходимо ускорить, учитывая то положение, в котором оказались пострадавшие люди.

Была отмечена целесообразность сокращения количества промежуточных звеньев прохождения помощи и ее доставки непосредственно в места нахождения и размещения пострадавших от страшных погромов.

Выражена заинтересованность в том, чтобы за этим процессом был установлен самый жесткий контроль.

В свою очередь Генеральный секретарь ООН поблагодарил за информацию о сложившейся ситуации на юге Кыргызстана и в лагерях беженцев, за открытость и доступ представителей ООН, его структур и СМИ в лагеря пострадавших, а также сообщил о принимаемых мерах по стабилизации ситуации в зонах бедствия.

Генеральный секретарь ООН заверил, что он лично координирует всю работу по оказанию помощи и предпринимает все необходимые меры по повышению действенности осуществляемой поддержки населения юга Кыргызстана и оказания непосредственной помощи пострадавшему населению.

Организация Объединенных Наций, заявил господин Пан Ги Мун, держит под непосредственным контролем ситуацию на юге и в целом в Кыргызстане и будет предпринимать оперативные меры по ее стабилизации.

17 июня 2010 г.

ИНФОРМАЦИОННОЕ СООБЩЕНИЕ **о телефонном разговоре Президента Республики** **Узбекистан Ислама Каримова с Государственным** **секретарем США Хиллари Клинтон**

17 июня сего года состоялся телефонный разговор Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова с Государственным секретарем США Хиллари Клинтон, в ходе которого были обсуждены трагические события, имевшие место за последнее время на юге Кыргызстана, в городе Оше и Джалалабадской области.

Госсекретарь США была информирована о складывающемся положении дел на юге Кыргызстана и в первую очередь в лагерях беженцев на территории Узбекистана, в пограничных с Кыргызстаном районах.

Отмечена та огромная работа, которая была проведена по приему беженцев с юга Кыргызстана, их размещению, оказанию медицинской помощи всем нуждающимся, созданию для них необходимых бытовых условий, организации обеспечения питанием, а также той помощи, которая необходима этим лагерям беженцев.

Состоялся также обмен мнениями о путях выхода из создавшейся непростой ситуации и прежде всего о скорейшей стабилизации положения дел в Кыргызстане.

Было заявлено, что вопросы оказания непосредственной помощи беженцам и гуманитарной помощи населению пострадавших районов, вопросы скорейшей стабилизации ситуации на юге и в целом в Кыргызстане остаются в центре внимания США.

17 июня 2010 г.

ОТКРЫТЫ СЧЕТА ПОМОЩИ ВРЕМЕННЫМ ПЕРЕСЕЛЕНЦАМ ИЗ КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ

Как ранее сообщалось, в приграничных с Кыргызстаном районах Андижанской, Наманганской и Ферганской областей Республики Узбекистан подготовлены места для проживания временных переселенцев из Кыргызской Республики. Государственными и общественными структурами, гражданами нашей страны оказывается всяческая помощь пострадавшим, число которых превышает 75—80 тысяч человек.

Для оказания помощи пострадавшим в открытом акционерном коммерческом банке «Агробанк» открыты валютные и сумовые счета.

Валютный счет: 20204840900278031001 MFO: 00077.

SWIFT Code: PAKHUZ22; MFO 00394 JSCB «Agrobank» Andijan.

Address: 47, Pushkin str., Andijan city, Republic of Uzbekistan.

Сумовый счет: P/C 20204000100278031008 — специальный расчетный счет хокимията Андижанской области.

Код: 00077, «Агробанк», Андижан.

По вопросам оказания помощи можно обращаться в штаб в городе Ташкенте по телефонам:

+99871 239-86-84, +99871 239-86-25;

Факс: +99871 239-80-37; e-mail: humanitar@gov.uz

Телефоны штаба в городе Андижане:

(8-374) 226-99-78, 226-99-80.

**МЫ — ВЕЛИКОДУШНЫЙ НАРОД,
МНОГОЕ ПОВИДАВШИЙ,
ВСЕГДА СОЧУВСТВУЮЩИЙ ДРУГИМ**

*(Из заявления Президента Ислама Каримова
о событиях на юге Кыргызстана, сделанные
в ходе беседы с сельскими тружениками
Вабкентского района Бухарской области)*

— Тяжело даже говорить об этих событиях. Убийство невинных людей, детей, беременных женщин — это не что иное, как варварство, жестокость, — сказал Ислам Каримов. — Я уверен, что корни этих кровавых преступлений будут выявлены, им будет дана оценка с точки зрения закона.

Я и ранее говорил — мир признает и уважает только то государство, тот народ, которые, сохраняя свои достоинство и гордость, уверены в своей силе и мощи, способны собственным трудом и потенциалом созидать свое будущее и защищать себя. Такой народ велик, у него светлое будущее. Наш народ всегда был милосердным и способным сочувствовать чужому горю.

Если говорить о причинах трагедии, — отметил глава государства, — то я против принципа: око за око, кровь за кровь. Не только против, но и считаю, что мыслящие таким образом — враги нашего народа.

Нужно беречь и ценить мир и спокойствие в нашей стране. Я еще раз призываю мыслить разумно и всегда поступать по принципу «Семь раз отмерь — один раз отрежь». Невежество и жестокость никогда не приводят к добру. Об этом никогда не нужно забывать.

Там, где нет мира и спокойствия, не будет ни достатка, ни счастья. И потому наш народ всегда радуется за них.

В нынешней сложной обстановке как никогда важны бдительность, выдержка и умение трезво оценивать ситуацию. Как в ближнем, так и дальнем зарубежье есть и те, кто под маской друзей преследуют свои корыстные цели.

Именно такая позиция прослеживается в отношении событий, происходящих в Кыргызстане. Согласно ей не обязательно искать причины случившегося. Это, мол, противостояние между узбекскими и кыргызскими этническими группами. Я категорически против подобных утверждений, — отметил Ислам Каримов. — В этом не виноваты ни узбеки, ни кыргызы. Это — подрывные действия, организованные и управляемые извне.

Силы, учинившие диверсию, преследовали цель — втянуть Узбекистан в противостояние.

Мы — великий народ, и способны найти общий язык с кыргызским народом, с которым живем бок о бок на протяжении тысячелетий, самостоятельно решить свои проблемы, — подчеркнул глава нашего государства.

**Ее Превосходительству
госпоже Розе Отунбаевой,
Президенту переходного периода
Кыргызской Республики**

Уважаемая Роза Исаковна!

Приношу свои поздравления в связи с наделением Вас по итогам проведенного 27 июня т.г. референдума полномочиями Президента переходного периода Кыргызской Республики, а также искренние пожелания мира и согласия, стабильности и благополучия дружественному народу Кыргызстана.

Убежден, что объективное и справедливое расследование кровавых и бесчеловечных событий, имевших место в Ошской и Джалалабадской областях Кыргызстана, которое, я надеюсь, будет проведено с участием специалистов и международных экспертов, покажет общность и неразделимость интересов кыргызского и узбекского населения, в течение многих веков проживающих на юге Кыргызстана.

И вместе с тем раскроет подлинное лицо тех провокаторов и заказчиков извне, которые ради достижения своих грязных целей готовы принести в жертву тысячи жизней невинных людей.

Еще раз хотел бы выразить свою уверенность в том, что разум и мудрость кыргызского народа дадут силы для того, чтобы преодолеть те испытания, которые выпали на его долю сегодня.

С уважением

*Ислам КАРИМОВ,
Президент Республики Узбекистан*

г.Ташкент,
1 июля 2010 г.

ИСКРЕННЯЯ БЛАГОДАРНОСТЬ

Как ранее сообщалось, около 100 тысяч граждан, временно переселившихся в результате трагических событий, происходивших 11—15 июня текущего года на юге Кыргызской Республики, были приняты и размещены в Андижанской, Наманганской и Ферганской областях нашей страны, им оказана всяческая помощь.

Следует особо отметить большую заботу населения и общественности нашей страны, проявленную и проявляемую в целях оказания помощи и поддержки пострадавшим в результате этих трагических событий — женщинам, детям, престарелым и раненым, больным и травмированным. В этих целях на специальный расчетный счет безвозмездной помощи, открытый в хокимияте Андижанской области, продолжают поступать средства от многих юридических и физических лиц нашей страны.

На сегодняшний день на этот расчетный счет поступило около 3,9 миллиарда сумов. Помимо этого, от предприятий и учреждений, фермерских хозяйств и общественных организаций Узбекистана получены продовольствие, лекарственные средства, одежда, постельные принадлежности и другие предметы первой необходимости на общую сумму более 7,8 миллиарда сумов, которые оперативно доставлены по соответствующим адресам.

Следует отметить, что все жители Узбекистана восприняли эту трагедию близко к сердцу и, разделяя горе пострадавших и откликнувшись на их беду, еще раз на практике проявили такие присущие нашему народу качества, как милосердие и отзывчивость.

Как подчеркнул глава нашего государства Ислам Каримов, проявленные нашим народом и страной

высокий гуманизм и милосердие еще раз ярко продемонстрировали лучшее качество национального характера — оказание безвозмездной помощи людям, оказавшимся в трудном положении и нуждающимся в поддержке. Особенно активное участие молодежи в этой благородной акции свидетельствует о том, что наше подрастающее поколение воспитывается в духе этих национальных ценностей.

